

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

***“КРИМИНАЛИСТИКА”* КАФЕДРАСИ**

**“КРИМИНАЛИСТИКА”  
Фанини ўрганиш бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Тузувчи: **А.Н. Норбоев,**  
**А.Ш.Баратов**

**Тошкент - 2012**

Ўқув услубий мажмуа 5380100 «Юриспруденция» таълим соҳаси  
Криминалистика фани учун мўлжалланган.

Ўқув услубий мажмуа ишчи ўқув режаси, ўқув ва ишчи ўқув  
дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди

Ўқув услубий мажмуа Криминалистика кафедрасининг 20\_\_ йил  
«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_-сон мажлисида муҳокама этилди ва  
маъқулланди

Тузувчилар:

А.Н. Норбоев - Тошкент давлат юридик институти  
“Криминалистика” кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент

А.Ш.Баратов – Тошкент давлат юридик институти  
“Криминалистика” кафедраси катта ўқитувчиси

## 1. Кириш

Давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув–услубий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, ўқитиш технологияси, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

Фаннинг ўқув-методик мажмуаси компонентларининг мазмуни Давлат таълим стандарти асосида тузилган фан дастурига мувофиқ, ҳамда шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва мустақил таълим олиш технологиялари, тамойиллари ва талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа юридик олий ўқув юртлари талабалари учун тавсия этилади. Шу билан бирга ўқув-услубий мажмуадан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар фойдаланишлари мумкин.

**2010-2011 ўқув йилининг 7-семестр учун Криминалистика фанидан  
бакалавр талабаларига маъруза ва амалий машғулот  
ТЕМАТИК РЕЖАСИ**

<b>№</b>	<b>Машғулот номи</b>	<b>Маъруза</b>	<b>Амалий машғулот</b>
1	Криминалистика фани, унинг вазифалари, тизими, юридик ва бошқа фанлар билан алоқалари	<b>1</b>	<b>-</b>
2	Криминалистика методлари	<b>0,5</b>	<b>-</b>
3	Криминалистик идентификация	<b>0,5</b>	<b>-</b>
4	Криминалистик техниканинг умумий қоидалари	<b>2</b>	<b>4</b>
5	Суд фотографияси ва видео тасвир ёзуви	<b>2</b>	<b>8</b>
6	Криминалистик трасология	<b>2</b>	<b>4</b>
7	Криминалистик баллистика	<b>2</b>	<b>4</b>
8	Ҳужжатларнинг қўлёзма матнларини криминалистик усулда текшириш	<b>1</b>	<b>2</b>
9	Ҳужжатларни криминалистик техника усулида текшириш	<b>1</b>	<b>2</b>
10	Одамларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация қилиш	<b>0,5</b>	<b>2</b>
11	Криминалистик рўйхатга олиш	<b>0,5</b>	<b>2</b>
12	Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари	<b>0,5</b>	<b>1</b>
13	Терговни режалаштириш ва ташкил этиш	<b>0,5</b>	<b>1</b>
14	Ҳодиса жойини кўздан кечириш	<b>2</b>	<b>6</b>
15	Тергов экспериментини ўтказиш тактикаси	<b>1</b>	<b>2</b>
16	Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш тактикаси	<b>1</b>	<b>2</b>
17	Тинтув ва олиб қўйиш тактикаси	<b>1</b>	<b>4</b>

18	Сўроқ ўтказиш тактикаси	<b>1</b>	<b>4</b>
19	Таниб олиш учун кўрсатиш тактикаси	<b>1</b>	<b>1</b>
20	Телефон ва бошқа қурилмалар орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш тартиби ва тактикаси	<b>0,5</b>	<b>1</b>
21	Жиноятларни тергов қилишда махсус билимлардан фойдаланиш тартиби	<b>0,5</b>	<b>4</b>
	<b>Жами:</b>	<b>22</b>	<b>54</b>

**2010-2010 ўқув йилининг 8-семестр учун Криминалистика фанидан  
бакалавр талабаларига маъруза, амалий машғулот  
ТЕМАТИК РЕЖАСИ**

<b>№</b>	<b>Машғулот номи</b>	<b>Маъруза</b>	<b>Амалий машғулот</b>
1	Жиноятларни тергов қилиш криминалистик слубиётининг умумий қоидалари	<b>0,5</b>	<b>1</b>
2	Терговчи ва тезкор - кидирув ходимларининг заро ҳамкорлиги	<b>0,5</b>	<b>1</b>
3	Қотиллик жиноятларини тергов қилиш	<b>1</b>	<b>4</b>
4	Номусга тегиш жиноятларини тергов қилиш	<b>0,5</b>	<b>2</b>
5	Ўзгалар мулкани талон – тарож қилиш жиноятларини тергов қилиш	<b>0,5</b>	<b>2</b>
6	<b>Ўғрилик, талончилик ва босқинчилик жиноятларини тергов қилиш</b>	<b>1</b>	<b>6</b>
7	Порахўрлик жиноятини тергов қилиш	<b>0,5</b>	<b>2</b>
8	<b>Меҳнат хавфсизлиги қоидаларининг индоеий тарзда бузилишларини тергов қилиш</b>	<b>0,5</b>	<b>2</b>
9	Ўт қўйиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятларини тергов қилиш	<b>0,5</b>	<b>4</b>
10	<b>Йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини индоеий тарзда бузганлик ҳолларини тергов қилиш</b>	<b>0,5</b>	<b>-</b>
11	Экология жиноятларини тергов қилиш	<b>2</b>	<b>4</b>
	<b>Жами:</b>	<b>8</b>	<b>28</b>

## **РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ** **“Криминалистика” фанидан талабалар билимини** **баҳолашнинг рейтинг тизими**

“Криминалистика” фанидан талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сон “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июлдаги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 15-16-сон, 104-модда) мувофиқ “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи билан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган Низом, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 14 августдаги 286-сонли буйруғига 1-илова билан тасдиқланган “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш бўйича Йўриқнома” талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. .

Тошкент давлат юридик институти “Криминалистика” фанидан талабаларнинг ўзлаштиришини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2009 йил 11 июнда тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низомга (Олий ва ўрта махсус таълим

вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи билан ўзгартириш ва кўшимчалар киритилган Низом) муқофифик семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда:

**-жорий баҳолаш (ЖБ);**

**-оралиқ баҳолаш (ОБ);**

**-яқуний баҳолаш (ЯБ).** турлари орқали амалга оширилади.

“Криминалистика” фанидан талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида талабанинг ҳир бир фан бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Мазкур фанлар бўйича талабаларнинг семестр давомида ўзлаштириш кўрсаткичи 100 баллик тизимда баҳоланади ва қуйидагича тақсимланади:

-Жорий баҳолаш (ЖБ) – 41 марта = 40 балл

-Оралиқ баҳолаш(ОБ) - 2 марта х 15 баллдан = 30 балл

-Яқуний баҳолаш(ЯК) -1 марта = 30 балл

Криминалистика фанидан талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичини назорат қилишда қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

**а) 86-100 балл учун талабанинг билим даражаси қуйидагиларга жавоб бериши лозим:**

- мавзу мазмунини тўғри ёритиб бериши;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш;
- мавзу моҳиятини ижтимоий ҳаёт ва амалиёт билан боғлай олиши;
- ижодий фикрлай олиш;



- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- амалий машғулот юзасидан берилган саволларга жавоблар амалий машғулот дафтарида ёзилган бўлиши;
- мавзуга оид масалаларга ечим топа олиши;
- қўшимча чет эл давлатларининг шу мавзуга оид адабиётларини мустақил ўрганганлиги
- қонунчиликдаги мавзуга оид нормаларни шарҳлаши;
- мавзуга оид ўқитувчи ва талабалар томонидан берилган қўшимча саволларга жавоб бериши;
- дарс жараёнида фаол қатнашиши;
- дарс ўтиш жараёни қоидаларига риоя этиши;
- мавзунинг мазмуни ҳақида мантиқий асосланган ҳолда хулоса ва қарор қабул қилиш.

**б) 71-85 балл учун талабанинг билим даражаси кўйидагиларга жавоб бериши лозим:**

- мавзу мазмунини тўғри ёритиб бериши;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш;
- мавзу моҳиятини ижтимоий ҳаёт ва амалиёт билан боғлай олиши;
- мустақил мушоҳада юрита олиш;
- олган билимларини амалда қўллай олиш;
- амалий машғулот юзасидан берилган саволларга жавоблар амалий машғулот дафтарида ёзилган бўлиши;

- ўз фикрини мустақил ифода эта билиши;
- мавзуга оид ўқитувчи ва талабалар томонидан берилган кўшимча саволларга жавоб бериши;
- дарс жарёнида фаол қатнашиши;
- дарс ўтказилиш қоидалари талабларига тўла риоя этиши.

**в) 55-70 балл учун талабанинг билим даражаси куйидагиларга жавоб бериши лозим:**

- мавзу юзасидан асосий тушунчаларни қисман билиши;
- моҳиятини тушуниш;
- билиш, айтиб бериш;
- тасаввурга эга бўлиш;
- амалий машғулот саволларига жавоблар қисман амалий машғулот дафтарида ёзилган бўлиши;
- мавзу юзасидан мустақил фикрнинг тўла эмаслиги;
- дарс жараёни қоидаларига риоя этиши.

**г) куйидаги ҳолларда талабанинг билим даражаси 0-54 балл билан баҳоланиши мумкин:**

- фан бўйича машғулотларга тайёргарлик кўрилмаган бўлса;
- фан бўйича машғулотларга доир ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаса, билмаса;

фанга доир берилган саволларга жавоб олинмаса Бундан ташқари, талабалар билимини “аъло” баҳолашда ўқитилаётган фанларни чуқур эгаллаганлиги, топшириқларга ижодий ёндошиши, мустақил фикрлаши, ўз билимини мунтазам равишда оширишга интилиши ҳамда адабиётлардан кенг фойдаланганлиги каби хусусиятлар ҳам назарда тутилади.

Бунда тегишли фан бўйича талабалар билимини “яхши”, ва “аъло” баҳолашда семинар ўқитувчи билан биргаликда маъруза дарсларини ўтадиган ўқитувчи иштирокида, лозим бўлса, кафедранинг юқори тажрибали профессор-ўқитувчилари иштирокида баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг 55 фоизи саралаш балл этиб белгиланади.

Жорий ва оралиқ назоратларнинг ҳар бирига ажратилган баллнинг саралаш бали 55 фоиздан ортиқ балл тўплаган талабалар ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига йўл қўйилади.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллар йиғиндисига тенг.

Семестр якунида талабанинг балларда ифодаланган умумий ўзлаштириши жорий, оралиқ, якуний назорат баллари йиғиндисидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича баҳоланади:

**86-100 балл – “аъло”;**

**71-85 балл – “яхши”;**

**55-70 балл – “қониқарли”;**

**0-54 балл – “қониқарсиз”.**

Талабаларнинг ўқув фани бўйича мустақил иши ҳам жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида реферат шаклидаги ёзма иш топшириқларни бажариши ва унга ажратилган баллардан келиб чиққан ҳолда 100 баллик тизим асосида баҳоланади.

Талабанинг фан бўйича умумий рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R_f = \frac{V * O^*}{100}$$

Бу ерда:

V – семестрда ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда);

O\* - фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

Бирор баҳолаш турини (ЖБ, ОБ) ўзлаштира олмаган талабадан навбатдаги шу назорат туригача кафедра профессор-ўқитувчиси, лозим бўлган ҳолларда кафедра профессор-ўқитувчиларидан иборат таркибда кафедра мудири томонидан шакллантирилган комиссия томонидан қайта қабул қилинади.

Агар талаба уч ёки ундан ортиқ дарс машғулотига қатнашмаган ёки ўзлаштирмаган бўлса, у ҳолда мазкур талабадан қайта топшириш учун деканат рухсатномаси талаб қилинади.

ЖБ, ОБ турларидан қайта топшириш ва ўзлаштириш ёзма шаклда (реферат, ёзма иш, мустақил иш) ЯБ бошлангунга қадар маъруза ёки семинар машғулоти ўқитувчисига топширилади ва кафедрада тегишли тартибда расмийлаштирилади ҳамда 4 йил сақланади.

Семестр якунида фан бўйича саралаш балидан кам балл тўплаган талабанинг ўзлаштириши қониқарсиз (академик қарздор) ҳисобланади.

**2010-2011 ўқув йили 7-8 семестрида Криминалистика  
фанидан бакалаврият талабалари учун рейтинг баҳолаш  
мезонлари ва баллар тақсимоти**

<b>Назорат турлари</b>			
ЖН 40 баллгача ЖН 4 марта ўтказилади Ҳар бир ЖН учун 10 баллдан ажратилади ЖНлар оғзаки ўтказилади	ОН 30 баллгача ОН – 2 марта ўтказилади Ҳар бир ОН учун 15 балл ажратилади ОН ёзма ва оғзаки шаклида ўтказилади	ЯН 30 аллгача ЯН охирги арс соатида зма иш аклда тказилади	Жами 100 балл

**Фан учун семестр давомида ажратилган умумий соат – 163**

**Маъруза – 30**

**Амалий – 82**

**Мустақил таълим 51**

Фанга ажратилган соатларни инобатга олган ҳолда ушбу фандан ўтказиладиган назорат турларини куйидаги тавсия этилади:

<b>№</b>	<b>Назорат тури</b>	<b>Назорат шакли</b>	<b>Мах. балл</b>	<b>Саралаш бали</b>	<b>Ўтказиш вақти</b>
1.	Жорий назорат	Оғзаки	10	5,5	Темактик режа асосида маълум мавзу бўйича ўтказилади
2.	Жорий назорат	Оғзаки	10	5,5	Темактик режа асосида маълум мавзу бўйича

					ўтказилади
3.	Жорий назорат	Оғзаки	10	5,5	Темактик режа асосида маълум мавзу бўйича ўтказилади
4.	Жорий назорат (мус. таълим)	Ёзма	10	5,5	Ишчи ўқув дастур асосида маълум мавзу бўйича ўтказилади
5.	Оралиқ назорат	Оғзаки	15	8,25	Темактик режа асосида маълум мавзу бўйича ўтказилади
6.	Оралиқ назорат	Ёзма	15	8,25	Темактик режа асосида маълум мавзу бўйича ўтказилади
7.	Якуний назорат	Ёзма иш	30	16,5	Фан бўйича охирги дарс соатида ўтказилади
	<b>Жами</b>		<b>100</b>	<b>55</b>	

**86-100 баллгача “аъло”**

**71-85 баллгача “яхши”**

**55-70 баллгача “қониқарли”**

**0-54 баллгача “қониқарсиз”**

## Семестр бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари

Семестр	Назорат тури	%	Максимал балл (100%)	Ўтиш бали (55%)
7-8 семестр	1-жорий	10	10	5,5
	2-жорий	10	10	5,5
	3-жорий	10	10	5,5
	4-жорий (муст. таъл.)	10	10	5,5
	<b>Жами:</b>	<b>40</b>	<b>40</b>	<b>22</b>
	1-оралиқ	15	15	8,25
	2-оралиқ	15	15	8,25
	<b>Жами:</b>	<b>30</b>	<b>30</b>	<b>16,5</b>
	<b>Яқуний</b>	<b>30</b>	<b>30</b>	<b>16,5</b>

### Талаба билимини баҳолаш

қониқарсиз		қониқарли		яхши		аъло	
балл		балл		балл		балл	
min	max	Min	max	min	max	min	max
<b>0</b>	<b>54</b>	<b>55</b>	<b>70</b>	<b>71</b>	<b>85</b>	<b>86</b>	<b>100</b>

## Мустақил ишни ўтказиш юзасидан услубий кўрсатмалар.

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил ишининг асосий мақсади – ўқитувчининг раҳбарлиги ва назорати остида талабада ўқув ишларини мустақил равишда бажариши учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришдир.

Мустақил иши реферат шаклида амалга оширилади. Реферат лойиҳалари қуйидаги тузилишдан иборат бўлади: титул варағи; кириш; асосий қисм; хулосалар; фойдаланилган адабиётлар рўйхати; иловалар. Рефератнинг ҳажми фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташқари 15 бет бўлиши лозим.

**Мустақил иш ва лойиҳалари қуйидаги тузилишдан иборат бўлади:**

- титул варағи;
- кириш;
- асосий қисм;
- хулосалар;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- иловалар.

Титул варағида вазирлик, Олий ўқув юрти, кафедранинг номи, мустақил ишининг мавзуси, бажарувчининг ФИШ. Факультети, курси, поток, текширувчининг ФИШ. ИЛМИЙ унвони.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, амалий аҳамияти ва муаммолик томонлари ёритилади.

Асосий қисмида мавзуга тавсиф бериш билан бирга, мавзунинг умумназарий муаммолари ёритилади. Шунингдек, амалиёт жараёнида тўпланган материаллардан, статистик маълумотлар, иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили, методлари келтирилади.

Хулоса ва таклифлар қисмида мустақил иши бўйича чиқарилган хулосалар, мустақил иши устида ишлаш даврида кўзатишган муаммолар мужассамлаштирилади.

Фойдаланилган ва ўрганилган адабиётлар рўйхатида мустақил ишни бажариш жараёнида фойдаланилган ва ўрганиб чиқилган адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, нашр қилинган илмий мақолалар рўйхати келтирилади.



Адабиётлар рўйхати алфавит тартибида муаллифлари, нашриёти, чоп этилган йили кўрсатилган тартибда тузилади. Хорижий адабиётлар рўйхати охирида берилади.

Иловалар қисмида мавзу матнидаги айрим қисмлар учун зарур бўлганда, кўргазмалари чизмалар келтирилади.

Мустақил ишининг ҳажми 15 варақдан (иловаларсиз) иборат бўлиб, А4 (21x29) формат қоғозга қўл ёзма ҳолатда тайёрланади

Тайёр мустақил иши кафедрага тақдим этилади. Кафедра ўқитувчилари иштирокида талаба мустақил ишни ҳимоя қилади ва баҳоланади.

### Мустақил ишлар мавзулари мазмуни ва уларга ажратилган соатлар

№	Мустақил таълим мавзуси	Мустақил таълим мазмуни	Мустақил таълим шакли	Мустақил таълим ҳажми	Соат
1.	Тергов версиялари ўқитишда таълимот.	Тергов версияси тушунчаси ва таснифи. Тергов версиясининг ўзига хос хусусиятлари. Тергов версиясини тузишда мантикий равишда рақибларнинг рақиблаш усуллари – анализ, синтез, индукция, дедукция ва диалогияларнинг аҳамияти. Тергов версияларини тузиш, рақиблаш ва натижаларини рақиблаш.	Реферат	15 бет	5,6

2	<p><b>Фирибгарлик жиноятини тергов услуби.</b></p>	<p>Фирибгарлик жиноятининг криминалистик тавсифи. Дастлабки тергов ва тезкор-идирув ҳаракатлари. Воқеа жойини кўздан кечириш, жабрланувчи ва гувоҳни сўроқ қилишнинг ўзига хос усулларидир. Мазкур жиноятлар юзасидан терговни тизимлаштириш ва тахминлашнинг асосий қисми ҳисобланади. Кейинги даврда ўтказиладиган тергов ҳаракатлари: жабрланувчи сўроқ, гувоҳларни сўроқ қилиш, тинтув, кўрсатув, кўрсатувни воқеа жойини қайта текширув, эксперимент ва турли экспертизалар ўтказиш.</p>	Реферат	15 бет	5,6
3	<p><b>Контрабанда жиноятларини тергов қилиш.</b></p>	<p>Контрабанда жиноятининг криминалистик тавсифи. Контрабанда жиноятини тергов қилиш услуби. Тергов усуллари ва терговни тизимлаштириш. Дастлабки тергов ҳаракатлари. Воқеа жойини кўздан кечириш. Гувоҳларни, жабрланувчи, жабрланувчи ва жабрланувчиларни сўроқ қилиш. Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш.. Контрабанда жиноятларини аниқлаш ва</p>	Реферат	15 бет	5,6

		тарни олдини олиш чоралари.			
4	<b>Жиноятларни «излар осилмай туриб» тергов олишнинг ҳуқуқий ва шикилий асослари. Дастлабки тергов ҳаракатлари. Кейинги тергов ҳаракатларининг хусусиятлари. Воқеа жойини кўздан кечириш. Гувоҳларни, абрланувчи ва айбланувчиларни сўроқ олиш. Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш. Жиноятларни қабларини аниқлаш ва тарни олдини олиш чоралари.</b>	Жиноятларни «излар осилмай туриб» фош олишнинг ҳуқуқий ва шикилий асослари. Дастлабки тергов ҳаракатлари. Кейинги тергов ҳаракатларининг хусусиятлари. Воқеа жойини кўздан кечириш. Гувоҳларни, абрланувчи ва айбланувчиларни сўроқ олиш. Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш. Жиноятларни қабларини аниқлаш ва тарни олдини олиш чоралари.	<b>Реферат</b>	<b>15 бет</b>	<b>5,6</b>
5	<b>Хориж фуқаролари қонундан ва қарга қарши қилган жиноятлар тергови.</b>	Хориж фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати Хориж фуқаролари билан боғлиқ ҳодисалар бўйича тергов олиб кетишнинг хусусиятлари. Воқеа жойини кўздан кечириш, абрланувчи ва гувоҳни, айбонланувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш, тинтув ва олиб кетишнинг ўзига хос хусусиятлари. Мазкур жиноятлар юзасидан терговни ташкиллаштираш ва тахмин қилиш.	<b>Реферат</b>	<b>15 бет</b>	<b>5,6</b>

6	<p><b>Компьютерда фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш.</b></p>	<p>Компьютердан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи. Тергов тактикасининг хусусиятлари. Воқеа жойини кўздан кечириш, гумонланувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш, интуй ва олиб кетишнинг аниқлигига хос хусусиятлари. Назоратчилик жиноятлар юзасидан терговни режалаштириш ва амалга ошириш. Экспертиза қилиш. ЭКПнинг имкониятлари.</p>	<p><b>Реферат</b></p>	<p><b>15 бет</b></p>	<p><b>5,6</b></p>
7	<p><b>Гиёҳванлик воситалари билан боғлиқ жиноятларни тергов.</b></p>	<p>Гиёҳванд воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг криминалистик тавсифи. Жиноят иши кўзга олиш. Тергов усуллари ва терговни режалаштириш. Дастлабки тергов ҳаракатлари. Воқеа жойини кўздан кечириш. Гуноҳдорларни, жабрланувчи ва айбланувчиларни сўроқ қилиш. Экспертиза тайинлаш ва ўтказиш. Гиёҳванд воситалари билан боғлиқ жиноятларнинг сабабларини аниқлаш ва уларни олдини олиш чоралари.</p>	<p><b>Реферат</b></p>	<p><b>10 бет</b></p>	<p><b>5,6</b></p>

8	<p><b>Вояга етмаганлар жиноятини тергов қилиш</b></p>	<p>Вояга етмаганлар томонидан содир этган жиноятларнинг криминалистик таснифи. Жиноят ишини кўзғатиш. Тергов тусмоллари ва терговни режалаштириш. Алоҳида тергов ҳаракатлари методикасининг ўзига хос хусусиятлари. Вояга етмаганларнинг жиноятларига оид ишлар бўйича терговчининг профилактик таълими.</p>	Реферат	15 бет	5,6
9	<p><b>Уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш</b></p>	<p>Уюшган жиноятчилик ва гуруҳлар тавсифи. Ҳодиса юз берган жойни кўздан кечириш ва унда жиноятни уюшган гуруҳ томонидан содир қилинганлигини аниқлаш. Жиноятни уюшган гуруҳ содир қилганлиги тўғрисида ҳужжатларни илгари суриш ва терговни режалаштириш. Ўроқ қилиш - жиноятни уюшган гуруҳ содир этганлиги тўғрисида маълумот олишнинг усули ва воситаси сифатида. Уюшган гуруҳ содир этган жиноятларни аниқлашнинг методикаси ва воситалари.</p>	Реферат	15 бет	5,6
<b>Жами</b>					<b>51</b>

**Талаба танлов асосида илмий мақола ва маъруза тезисларни тайёрлаши ҳам мумкин:**

**Изоҳ: Илмий журналларда чоп этилган 4 та мақола 51 соат. Соат (1 та мақола 12,75 соат).**

**Илмий конференция материалларида чоп этилган 6 та мақола 51 соат (1 та мақола 8,5 соат).**

## **Криминалистика техникаси**

**Мавзу: Криминалистика техникаси асослари**

### **Машғулот**

**Жиноятни очишда тергов жараёнида ишлатиладиган  
техник – криминалистик воситалар ва усуллар.**

#### **Машғулотдан мақсад:**

Жиноятлар бўйича тергов қилишда техник-криминалистик воситаларни қўллашнинг аҳамияти ва мақсадини тушуниш. Лаборатория машғулотида ва тергов ишларини олиб боришда техник-криминалистик воситалар турлари билан танишиш.

#### **Машғулот режаси:**

1. Криминалистика техникасининг тушунчаси ва унинг вазифалари.
2. Техник – криминалистик воситалар ва услублар, жиноятларни очиш ва олдини олишда уларнинг аҳамияти.
3. Жиноятни олдини олишда криминалистик техникадан фойдаланиш имкониятлари. Жиноятларни фош этишда ва тергов қилишда ишлатиладиган техник-криминалистик воситалар ва криминалистик техника услублари, турлари.

4. Суд ва тергов ишларини олиб боришда криминалистик техника, восита ва услубларини қўллаш натижаларининг амалий ахамияти.

5. Ашёвий далилларни қайд қилиш, олиш, текшириш учун қаратилган восита ва усуллар.

6. Талабаларни тергов чемодани тартиби ва уни қўллаш билан таништириш.

7. Ашёвий далилларни лаборатория шароитида текширишда қўлланиладиган криминалистик техника воситалари ва усуллари .

8. Криминалистик техникасининг замонавий истиқболи ва ривожланиш тамойиллари.

### **Керакли ашёлар:**

Терговчининг криминалистик комплекти, прокурор-криминалистнинг чемодани, кучма криминалистик лаборатория, криминалистик техника воситалари.

Булар кафедранинг махсус хона ва лабораторияларида жойлаштирилади.



### **Синов саволлари:**


1. Криминалистик техника деганда нима тушунилади?
2. Криминалистик техника воситалари ва усуллари қандай мақсадда қўлланилади?
3. Криминалистиканинг техник усуллари тушунчаси?
4. Далилларни топиш, қайд қилиш ва олишда қандай техник восита ва усулларидан фойдаланилади?
5. Криминалистик техник восита ва усуллари кўллаш субъектлари?
6. Тергов жараёнида ва тезкор фаолиятида техник воситалар ва комплектларни ишлатилиш тартиби?
7. Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишда криминалистик техниканинг роли?

### **Мавзуга оид адабиётлар:**

1. Абдумажидов Г – Криминалистика техникасининг умумий қоидалари, Криминалистика дарслик 1-ж Тошкент 2002 й.

2. Закутский А.С. – Криминалистика техникасининг умумий ҳолатлари, Криминалистика техникаси, ўқув кўлланма Тошкент 1999 й.
3. Норбоев А – Криминалистика схемалар ўқув кўлланма Тошкент 2002 й.
4. Криминалистика дарслиги. Муаллифлар жамоаси Тошкент 2005 й.
5. Сорокин В. – Криминалистический комплект следователя. Учебное пособие, М 1985 г.
6. Селиванов Н.А., Сорокин Г. – Применение научно-технических средств прокурором криминалистом М. 1987 г. Уч пособие
7. Агофонов В.В. Флиппов А.Г. Криминалистика: Вопросы и ответы: Учебное пособие – М.: юриспруденция, 2000

### **Схемалар**



## Тест саволлари

### 1. Криминалистик техника асослари ва усуллари қандай мақсадларда қўлланилади?

- А) Жиноятларни дастлабки тергов қилиш мақсадида.
- Б) Огоҳлантириш, жиноятларни дастлабки тергов қилиш ва жиноят ишларини туғри ҳал этиш мақсадида.
- В) Жиноятларни дастлабки тергов қилиш ва жиноят ишларини туғри ҳал этиш ва жиноятларни оқлини олиш мақсадида. (тўғри жавоб)
- Г) Огоҳлантириш мақсадида.

### 2. Криминалистиканинг техник методларида нима назарда тутилади?

- А) Криминалистиканинг техник воситалари қўлланиладиган ҳаракатларнинг усуллари, йўллари, характери ва маълум давомийлиги. (тўғри жавоб)

- Б) Криминалистиканинг техник воситалари қўлланилишининг усуллари ва йўллари.
- В) Криминалистиканинг техник воситалари қўланиладиган ҳаракатларнинг усуллари, йўллари, характери.
- Г) Криминалистик ҳаракатларнинг усуллари.

**3. Криминалистик техника воситалари ким томонидан ва қандай доирада қўлланилади?**

- А) Криминалистик техника воситаларидан фойдаланиш субъектларига кўра «экспертлар учун техника» ва «терговчилар учун техника» га бўлинади.
- Б) Криминалистик техника воситаларидан фойдаланиш субъектларига кўра «экспертлар учун техника», «мутахассислар учун техника», «терговчилар учун техника» ва “тезкор ходимлар”га бўлинади. (тўғри жавоб)
- В) Одатда ҳар қандай техник воситалар ҳам эксперт, мутахассис, ҳам терговчи томонидан фойдаланилиши мумкин.
- Г) Терговчилар учун техника воситаларига бўлинади.

**4. Тергов ҳаракатининг ўтказилишида иштирок этувчи мутахассиснинг функциялари (вазифалари) қандай?**

- А) Терговчига маслаҳатлар беради ва унга техник-криминалистик восита ҳамда методларни қўллашида амалий ёрдам кўрсатади.
- Б) Терговчига маслаҳатлар беради, унга ёрдам кўрсатади, шунингдек ўзлари бевосита техник-криминалистик воситаларни куллайдилар. (тўғри жавоб)
- В) Ўзлари бевосита техник-криминалистик воситалар ва методларни куллайдилар.
- Г) Фақатгина амалий ёрдам курсатади.

**5. Қайси техник-криминалистик восита терговчи томонидан аниқланган бармоқ изларини кўздан кечириш учун фойдаланилади?**

- А) Биологик микроскоп.
- Б) Лупа. (тўғри жавоб)
- В) Таккослаш микроскопии.

Г) Кодоскоп.

**6. Терговчининг криминалистик жамланмасыда мавжуд булган типографик б'ёёк қандай мақсадлар учун м'улжалланган?**

А) Тирик шахслар ва мурдаларни дактилоскоплаштириш (бармок изларини олиш) учун. (т'ўғри жавоб)

Б) Режалар ва схемаларни чизиш, шу жумладан кул, оёк, пойафзал, бузиш куроллари ва инструментларини аниклаш ҳамда кайд килиш учун.

В) Тергов харакатини утказиш жараёнида олинган ашёвий далилларнинг пакетларини маркировкалаш, шу жумладан мухр ва штамплар аксини тушириш учун.

Г) Инструментларини аниклаш учун.

**7. Куйида санаб утилган воситалардан қайси бири терговчининг криминалистик жамланмасыда мавжуд булган 0,1 мм гача булган аникликдаги чизик катталикларини улчашда фойдаланилади?**

А) Релетка.

Б) Микрометр.

В) Штангенциркуль (т'ўғри жавоб)

Г) Ҳеч қайси бир

**8. Терговчининг криминалистик жамланмасыда мавжуд булган магнит кисть қандай мақсадларда фойдаланилади?**

А) қўл, оёк, ва пойафзал изларини аниклаш учун. (т'ўғри жавоб)

Б) Тирик шахслар ва мурдаларни дактилоскоплаш (бармок изларини олиш) учун.

В) Тайник (беркитмалар) ни излаш, шу жумладан кора ва рангли металлдан тайёрланган предметларни топиш ва ашёвий далиллар билан пакетларни маркировкалаш учун.

Г) Бармок изларини олиш учун.

**9. Куйида санаб утилган жамланма (комплект) лардан қайси бирида кидирув ускуналари (портатив металл кидиргич, магнит кутаргич, трал, шуп) туплами мужассамлашган?**

А) Прокурор-криминалист учун криминалистик жамланмада. (т'ўғри жавоб)

- Б) Эксперт учун криминалистик жамланмада.
- В) Терговчи учун криминалистик жамланмада
- Г) Эксперт ва прокурор учун криминалистик жамланмада

**10 Мурдада ўқлар (дроб, картеч) ни аниклаш учун қандай нурлардан фойдаланилади**

- А) Рентген нуридан. (тўғри жавоб)
- Б) Инфра кизил нурлардан.
- В) Ультрафиолет нури, электрон-оптик ҳосил килувчи нурлар, оптик ускуна нурларидан.
- Г) Оптик ускуна нурларидан.

**11. Қуздан кечиришда изларнинг намуналари ва аксини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг нечанчи моддасида назарда тутилган**

- А) Бу Ўзбекистон Республикаси ЖПК да назарда тутилмаган.
- Б) Бу факатгина криминалистика фани тавсияларига мувофик амалга оширилади.
- В) Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 91-моддасида назарда тутилган. (тўғри жавоб)
- Г) барча жавоблар нотўғри

**12. Ашёвий далилларни саклаш тартиби Ўзбекистон Республикаси ЖПК билан белгиланганми?**

- А) Ҳа, ашёвий далилларни саклаш тартибуи Ўзбекистон Республикаси ЖПК билан белгиланган. (тўғри жавоб)
- Б) Жиноят-процессуал қонунчилик билан тартибга солинмайди.
- В) Саклаш тартиби криминалистика фани томонидан ишлаб чиқиладиган тавсиялар асосида белгиланган.
- Г) Ишлаб чиқиладиган тавсиялар асосида белгиланган.

**13. Техник-криминалистик жамланмаларнинг қайси бири узида режалар ва схемаларни қизиш учун мулжалланган техник йуллар ва усулларни мужассамлаштиради?**

- А) Тергов портфели ва прокурор-криминалист жамланмасигага киритилади. (тўғри жавоб)
- Б) Барча жамланмаларга киритилмайди.
- В) Факатгина прокурор-криминалистнинг жамланмасида мавжуд бўлади.
- Г) Эксперт учун криминалистик жамланмасида мавжуд бўлади.

14. Инфрақизил нурлар қуида санаб утилган қайси моддалардан утиши мумкин?

- А) Қалам штрихлари материали, ёкилги-мойлаш материали доглари, ук узиш копотъи. (тўғри жавоб)
- Б) Ук узиш копотъи.
- В) Кон доглари
- Г) Оёқ излари.

15. Криминалистика курсининг қайси бўлимига мазкур мавзу – «Криминалистик техника асослари» киради?

- А) Криминалистикнинг методологик асослари булимига.
- Б) Криминалистик тактика булимига.
- В) Криминалистик техника булимига. (тўғри жавоб)
- Г) Методологик тактика булимига.

## **Мавзу: Криминалистик фотография ва видео – ёзуви**

### **1-машғулот**

#### **УМУМИЙ ФОТОГРАФИЯ АСОСЛАРИ**

Умумий фотграфия асосларини, суратга олиш жараёнининг асосий босқичлари: суратга олиш, негатив ва позитив жараёнларини ўрганиш. “Зенит” суратга олиш аппарати тузилиши билан танишиш, унинг турлари, кўзгуларининг турлари, сурат олиш ёритгичи, ёруғлик фильтри, объективни узайтириш халқалари билан яқиндан танишиш.

#### **Керакли ўқув воситалари.**

“Зенит” фотоаппарати ва унинг турлари, ёруғлик фильтрлари, суратга олиш ёритгичлари, суратга олиш кузгулари, объективни узайтириш халқалари, слайдлар, “Зенит” суратга олиш аппаратидан фойдаланиш учун қўлланма.

#### **Машғулот режаси:**

1. Фотоаппаратлар турлари. Замонавий фотоаппаратларнинг турлари.



2. Фото объектив турлари ва уларнинг асосий хусусиятлари.
3. “Зенит” фотоаппаратининг тузилиши ва унинг турлари.
4. “Зенит” фотоаппаратига тегишли асосий ва қўшимча қисмларни ўрганиш.
5. Рақамли суратга олиш , фотокамера билан таништириш.

### **Синов саволлари:**

1. Суратга олиш жараёни ва съёмка услублари.
2. Суратга олиш жараёни, ёруғлик, масофа ва бошқа шароитлар?
3. Фокус ва оптикада фокус масофаси нима?
4. Суратга олишда ёруғлиги сезгир асосий материал сифатида нима ишлатилади?
5. Суратга олишда ёруғлик филтрлари қандай мақсадда ишлатилади?
6. “Зенит” фотоаппаратини ишлатишда қўшимча мосламалардан фойдаланиш?

### **АМАЛИЙ ТОПШИРИҚ - 4**

1-Топширик: «Зенит-ТТЛ» пленкали фотоаппаратнинг асосий бўлим ва қисмлари билан танишиб чиқинг.

2-Топширик: расмда кўрсатилган «Зенит-ТТЛ» фотоаппаратининг асосий қисмларини ёзиб чиқинг.

### **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Хидоятлов Б.С. – Суд фотографияси ва кино-видео тасвирга олиш. Крим-техникаси. Ўқув қўлланма Тошкент 1999 й.

2. Закутский А.С. – Суд фотографияси ва видео – тасвир ёзуви, Криминалистика, дарслик 1-ж. Тошкент 2003 й.


3. Норбаев А.–Криминалистика схемаларда, Ўқув қўлланма Тошкент 2002 й.

4. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А ва бошқалар Криминалистика дарслик Тошкент 2005 й.

5. Зинченко Н. – Использование в доказывании фотоснимков, кинолент и видеограмм, Уч пособие, Ташкент 1988 г.

### **Схемалар**

## ТАДҚИҚИЙ ФОТОСУРАТЛАР ОЛИШ



## Тест саволлари

**Криминалистика фанида криминалистик фотография қандай мақсадларда қулланилади?**

- А) Ашёвий далилларни қайд қилиш мақсадида.
- Б) Далилларни қайд қилиш ва текшириш мақсадида. (тўғри жавоб)
- В) Ашёвий далилларни текшириш мақсадида.
- Г) Жиноятни очиш мақсадида.

17. Панорамали суратга олиш усули қандай объектлар учун мўлжалланган.

**Панорамали тасвирга олиш уй-жойнинг давомий участкаларини суратга олиш учун мўлжалланган.**

- Б) Панорамали тасвир тор бинолар вазияти (обстановка) ни тасвирга олиш учун мўлжалланган.
- В) Панорамали тасвир уй-жойнинг давомий участкаларини, қузилган объектларни, шунингдек тор бинолар вазиятини тасвирга олиш учун мўлжалланган. (тўғри жавоб)

Г) Участкаларини суратга олиш учун мулжалланган.

**Криминалистика курсининг қайси бўлимига мазкур мавзу \_ «Криминалистик фотография ва видео тасвир» киртилган?**

А) Ушбу мавзу алоҳида жинотлани тергов қилиш методика (услуги) си бўлимига киритилган.

Б) Мазкур мавзу криминалистика тактикаси бўлимига киритилган.

В) Мазкур мавзу криминалистика техникаси бўлимига киритилган. (тўғри жавоб)

Г) Тактика ва техника бўлимига киритилган.

**Панорамали фототасвирни амалга оширишда қандай шартларга риоя этиш лозим?**

А) Хар бир навбатдаги кадр илгариги кадрда мужассамлашган объектнинг чека нуктасига қуйилади.

Б) ҳар бир навбатдаги кадр илгариги кадрдаги қайд қилинган тасвирнинг 10-15% ни қайтариши лозим. (тўғри жавоб)

В) Хар бир навбатдаги кадр илгари бажарилган кадр билан ҳеч қандай алоқада бўлмаслиги керак.

Г) Объектнинг чека нуктасига қуйилади.

**Доиравий панорамали фототасвирни амалга оширганда қандай қоидага амал қилиш керак?**

А) Доиравий панорамали фототасвирни амалга оширганда фотоаппарат Олдинги планнинг чека нукталарини туташтирувчи параллел чизикларни сигдиради.

Б) Доиравий панорамали фототасвирни амалга оширганда фотоаппарат олидинги палннинг чека нукталари туташтирувчи хаёлий чизикларни сигдиради ва вертикал ук атрофида айлантиради.

В) Доиравий панорамали фототасвирни амалга оширганда фотокамерани бир нуктадан иккинчисига аралаштирмайдилар, балки вертикал ук атрофида айлантирдилар. (тўғри жавоб)

Г) Чизикларни сигдиради ва вертикал ук атрофида айлантиради

**Яқин жойлашган давомли объектларни фото тасвирга олишда фототасвирнинг қайси усулини куллаш нисбатан мақсадга мувофиқ?**

- А) Усулни танлаш тасвир нуктасига нисбатан объектларнинг жойлашишига боғлиқ эмас.
- Б) Ушбу ҳолатда чизикли панорамали фототасвирни куллаш мақсадга мувофиқдир. (тўғри жавоб)
- В) Яқин жойлашган давомли объектларни фототасвирга олишда доиравий панорамали фототасвир усули қўлланилади.
- Г) Давомли объектлар усули қўлланилади

**Бир нечта қисмга ажратилган ва давомий объектларни суратга олишда фототасвирнинг қайси усулини куллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади?**

- А) доиравий панорамали усулини куллаш мақсадга мувофиқ. (тўғри жавоб)
- Б) Чизикли панорамали усулини куллаш мақсадга мувофиқ.
- В) Усулни танлаш тасвир нуктасига нисбатан объектларнинг жойлашишига боғлиқ эмас.
- Г) Қандай расмга олишнинг аҳамияти йўқ.

**«Зенит» русумли оддий фотографик фотокамера ёрдамида панорамали тасвирни амалга оширганда қандай тавсияларга амал қилиш керак?**

- А) Панорамали тасвир усули билан тасвирга олишда ҳар бир навбатдаги тасвир учун фотоаппаратдаги выдержка ва диафрагманинг катталиги узгармай қолади. (тўғри жавоб)
- Б) Панорамали тасвир усули билан тасвирга олишда диафрагманинг катталиги ҳар бир навбатдаги кадр учун фотоаппарат ва объект уртасидаги масофадан келиб чиқиб, белгиланади
- В) Панорамали тасвир усули билан тасвирга олишда выдержканинг катталиги ҳар бир навбатдаги кадр учун объектларнинг ёруқлик даражасидан келиб чиқиб, белгиланади.
- Г) Масофадан келиб чиқиб, белгиланади

**Масштабли фототасвир қандай мақсадларда қўлланилади?**

- А) Масштабли фототасвир ясси объектларни суратга олишда қўлланилади.
- Б) Масштабли фототасвир катта объектларни суратга олишда қўлланилади.
- В) Масштабли фототасвир объектларнинг хажмини қайд қилиш учун қўлланилади. (тўғри жавоб)
- Г) Масштабли фототасвир кичик объектларни суратга олишда қўлланилади.

**Кандай объектларни суратга олишда фототасвирнинг репродуктив усулидан фойдаланилади?**

- А) Фототасвирнинг репродуктив усули хар кандай объектларни суратга олишда кулланилади.
- Б) Фототасвирнинг репродуктив усули хажмли объектларни суратга олишда кулланилади.
- В) Фототасвирнинг репродуктив усули текис объектларни суратга олишда кулланилади. (тўғри жавоб)
- Г) Хар кандай объектларни суратга олишда кулланилади.

**Репродукциялар кандай йулар билан тайёрланиши мумкин?**

- А) Репродукциялар объектив билан таъминланган прибор ёрдамида тайёрланиши мумкин.
- Б) Репродукциялар объектив билан таъминланган прибор ёрдамида, ёки нусха олинаётган оригинал ва ёругликни сезувчи материалнинг узаро алоқаси (контакт) йули билан тайёрланиши мумкин. (тўғри жавоб)
- В) Репродукциялар нусха олинаётган оригинал ва ёругликни сезувчи материалнинг узаро алоқаси (контакт) йули билан тайёрланиши мумкин.

Г) Оригинал материалнинг узаро алоқаси (контакт) йули билан тайёрланиши мумкин.

**Таниб олиш учун суратга олиш усули қандай мақсадларда қўлланилади.**

А) Тирик шахс ва мурдаларни рўйхатга олиш, таниб олиш учун кўрсатиш учун, эксперт тадқиқоти учун. (тўғри жавоб)

Б) Объектларнинг хажми ва узунлигини қайд қилиш учун.

В) Объектларнинг ўзига хос белгиларини қайд қилиш учун.

Г) Мурдадаги жароҳатларни қайд қилиш учун.

**Воқеа содир бўлган жойни суратга олишнинг хусусий усуллари санаб ўтинг**

А) Ориентирли, обзорли, детальли, марказли. (тўғри жавоб)

Б) Понарама, репродукцион.

В) Стереоскопик, понарама.

Г) Метрик, понарама.

## **Мавзу: Криминалистик трасология**

### **1-машғулот**

### **Қўл излари**

#### **Машғулотдан мақсад:**

Қўл изларини топиш, қайд қилиш ва олиш бўйича амалий кўникмаларни ҳосил қилиш. Ҳодиса бўлган жойни кўриб чиқиш қайдномасида топилган излар хусусиятларини тасвирлаш.

### **Машғулот режаси:**

1. Қўл изларидаги папиляр чизикларининг хусусиятлари ва уларнинг криминалистик аҳамияти.
2. Қўл изларининг криминалистик классификацияси.
3. Папиляр чизикчаларнинг турлари ва кўринишлари, уларнинг умумий ва хусусий белгилари. .
4. Қўлнинг рангсиз, кўзга кўринмайдиган изларини топиш, қайд қилиш ва улардан нусха олиш усуллари.
5. Қўл изларини экспертиза қилиш учун материал тайёрлаш.
6. Дактилоскопик экспертизанинг замонавий имкониятлари.

### **Синов саволлари:**

1. Трасологияда қўл излари қандай классификацияланади?
2. Қўл изларини топиш учун қандай усуллар қўлланилади?
3. Қўл изларини қайд қилиш усуллари ?
4. Қўл излари экспертизаси билан қандай масалалар ҳал қилиниши мумкин?



5. Тергов амалиётда қўл изларидан қандай фойдаланилади?
6. Ҳодиса рўй берган жойда топилган қўл изларининг процессуал расмийлаштириш тартиби?
7. Биринчи марта бўялгандан сўнг ранги йўқолган изни йод буғи билан қайта бўяш, шунингдек, дактилоскопик кукун билан уни қайта бўяш мумкинми?
8. Кукун билан бўялган излардан нусха олиш, издан нусха олиш плёнкасини (оч, тўқ, ранг) танлаш нимага боғлиқ?
9. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш қайдномасида қўл изларини ёзиш кетма-кетлиги қандай?

## **ОЁҚ ВА ПОЙАФЗАЛНИНГ ИЗЛАРИ**

### **Машғулотдан мақсад:**

Оёқ ва пойафзалнинг ҳажмлик ва юзаки изларини топиш, қайд қилиш ва олиш усулларини ўрганиш. Ҳажмлик излардан қолиплар тайёрлаш. Кўздан кечириш қайдномасида оёқ ва пойафзал изларини расмийлаштириш қоидасини ўргатиш.

### **Машғулот режаси:**

1. Оёқ ва пойафзал изларининг турлари ва жинойтларни очишда уларнинг аҳамияти.

2. Оёқ ва пойафзалдан қолган “из йўлчаси” ва унинг криминалистик аҳамияти.

3. Оёқ ва пойафзал изларини қайд қилиш, кўчириб олиш усуллари.

4. Оёқ ва пойафзал изларини трасологик экспертиза қилиш учун материалларни тайёрлаш.

### **Синов саволлари:**

1. Ҳодиса рўй берган жойда оёқ ва пойафзал изларини ўрганишда қандай ҳолат вужудга келтирилиши мумкин?

2. Из йўлида юришнинг қандай белгилари тасвирланади?

3. Яланг оёқ ва пойафзал изларини кўриб чиқишда қандай ўлчаш ишлари амалга оширилади?

4. Оёқ ва пойафзал изига қараб одам бўйини қандай аниқлаш мумкин?

5. Қорда, чангда, цементда бўлган пойафзал ва оёқ изларини қайд этишнинг қандай усуллари бор?

6. Оёқ ва пойафзал изларини трасологик экспертиза тадқиқотининг замонавий имкониятлари?

### **3-машғулот**

#### **Автотранспорт воситаларининг излари**

#### **Машғулотдан мақсад:**

#### **Машғулот режаси:**

1. Автотранспорт воситалари изларининг турлари.
2. Изга қараб автотранспорт воситалари ғилдиракларининг турлари ва ҳаракат йўналишларини аниқлаш.
3. Автотранспорт воситалари изларини қайд қилиш ва олиш усуллари.
4. Автотранспорт воситалари ғилдирак тишлари изларини трасологик экспертиза қилиш учун материалларни тайёрлаш.

#### **Синов саволлари:**

1. Автотранспорт воситалари ғилдираклари изини ўлчаш қоидалари ва амалий аҳамияти?
2. Автотранспорт воситалари ҳаракат қисми тормозланиши изларини ўлчаш орқали қандай маълумотларни олиш мумкин?

3. Жойни кўриб чиқиш қайдномасида ҳодиса бўлган жойда топилган автотранспорт воситалари изларига оид қандай маълумотлар кўрсатилиши керак?
4. Ғилдирак изларидаги хусусиятлар асосида атомобилнинг тури ва маркасини аниқлаш?
5. Автотранспорт воситалари изларига оид трасологик экспертиза ҳал қилувчи масалалар?
6. Автотранспорт воситалари изларини қайд қилишнинг усуллари?

### **Бузиш қуролларидан қоладиган излар**

#### **Машғулот режаси:**

1. Бузиш қуроллари ва уларнинг турлари,
2. Бузиш қуроллари изларини топиш, қайд қилиш ва олиш усуллари.
3. Бузиш қуролларидан қолган излардаги идентификацион аломатлари.

#### **Синов саволлари:**


1. Бузиш қуроларининг излари уларнинг пайдо бўлиш механизми бўйича қандай турлари?
2. Мослама калит ва ясама калит(отмичкалар) таъсирида қулфда қандай излар қолади?
3. Бузиш қуроллари ва асбобларидан қолган изларига кўра бузиш қайси томондан содир этилганини аниқлаш?
4. Экспертга бузиш қуроллари, бузилган тўсиқлар бўйича ҳал қилинадиган масалалар белгилансин.

### **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Суяров Қ. – Суд трасологияси, Криминалистика техникаси ўқув қўлланма, Тошкент 1999 й.
2. Суяров Қ. – Криминалистик трасология, Криминалистика дарслиги 1-ж Тошкент 2003 й.
3. Норбоев – Криминалистика схемаларда, ўқув қўлланма, Тошкент 2002 й.
4. Алимова Р, Атаходжаев С. – Криминалистика экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш. ўқув қўлланма Тошкент 2001 й.

5. Крылов И.Ф. – Следы на месте происшествия Л. 1986 г.
6. Крылов И.Ф. – В мире Криминалистики, 2 издание доп. Ленинград 1991 г.
7. Порубов П.—Практикум криминалистики, Минск 1988 г.
8. Яблоков Н.П.—Практикум по криминалистике, учебное пособие, М. Бек 1995 г.
9. Нестеров Н.И.—Криминалистическое исследование замков, Волгоград 1990 г.
10. Ўзбекистон Республикаси ЖПК. Тошкент 2004

# Схемалар



**ВАЗИЯТНИНГ ЎЗГАРИШИГА КЎРА ЖИНОЯТЛАРНИНГ МОДДИЙ  
ИЗЛАРИНИ ТАСНИФ КИЛИШ**

*Изларнинг акслари*

*Ашёларнинг излари*

*Предметларнинг излари*

**ИЗ ХОСИЛ БЎЛИШ**

**ИЗ ХОСИЛ ҚИЛУВЧИ**

**ИЗ**

**ИЗ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ**

**ИЗЛАРНИ ИЗ ҚАБУЛ ҚИЛУВЧИ ОБЪЕКТДА ХОСИЛ БЎЛАДИГАН ЎЗГАРИШЛАР ХАРАКТЕРИГА КЎРА ТАСНИФ ҚИЛИШ**

юза

қатла

рангл

хира

стат

локал

Идентификация учун

ИЗЛАР

ҳажм

қатламс

рангси


кўринмайди

динамик

перифер  
и

Идентификация учун





### Тест саволлари

**Изларнинг келиб чиқиш шакли бўйича классификациясини кўрсатинг**

- А) Ботиқ излар ва юзаки излар. (тўғри жавоб)
- Б) Ботиқ излар, юзаки излар ва динамик излар.
- В) Динамик излар ва статик излар
- Г) Статик излар, локал излар ва периферик излар.

**Суд трасологик экспертизанинг объектларини кўрсатинг**

- А) Қўл, оёқ, бузиш қуроллари, транспорт воситалари. (тўғри жавоб)
- Б) Қон, сўлак, соч толалари.
- В) Ўқ отар қуроллар, патрон,

Г) Транспорт излари, тан жараҳотлар

## **Мавзу: Криминалистик баллистика**

### **1-машғулот**

#### **Отиш қуролининг турлари, гуруҳ мансублигини белгилашдаги хусусиятлари.**

##### **Машғулот режаси:**

1. Суд баллистикаси тушунчаси, вазифаси ва отиш қуролининг турлари.
2. Нарезли отиш қуроларининг из хосил қилувчи қисмлари
3. Ўқ отиш қуролини отилган гильза ва ўқлар асосида идентификация қилиш.
4. Силлиқ стволлик қуролларни идентификация қилиш.
5. Ясама қуролларнинг турлари, идентификация масалалари.

##### **Синов саволлари:**

1. Қўлда ясалган сочма билан заводда тайёрланган картеч-дроб парнинг фарқи?

2. Сочма, картечларни тадқиқ қилишда қандай услублар қўлланилади. Силлиқ стволли ов милтиғидан отилган гильзанинг идентификация белгилари.

3. Сочма ўқнинг отилиш масофасини аниқлаш.

4. Отиш жойини аниқлаш учун қандай усуллардан фойдаланилади?

5. Сочма ўқ отишдан ҳосил бўлган излар, пижлар, гильзаларни тавсифлаш?

6. Ўқ излари, ўқ отиш қуроллари ва аслахалари бўйича суд-баллистик экспертизаси ҳал қиладиган масалалар .

### **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Алимова Р. – Криминалистик баллистика. Криминалистика дарслиги 1-ж. Тошкент 2003 й.

2. Ахмедов Д. – Суд баллистикаси, Криминалистика техникаси ўқув қўлланма, Тошкент 1999 й.


3. Норбоев А. - Криминалистика схемаларда, ўқув қўлланма Тошкент 2002 й. 28-31 бетлар

4. Белкин Р.С. – Криминалистика дарслиги, М Норма 2000 й.
5. Алимова Р, Атаходжаев С. – Криминалистик экспертиза тайинлаш ва ўтказиш масалалари, ўқув кўлланма Тошкент 2001
6. Практикум по криминалистике, М Бек 1995 г.
7. Образцов В.А. – Криминалистика курс лекций, М. 1996 г.
8. Белозоров Ю. – Незаконный оборот оружия, боеприпасов и взрывных веществ учебно-приπραктическое пособие М. 2000 г.
9. Криминалистика—учебное пособие ИП Эко-перспектива Минск 1998 г
10. Справочное книга криминалиста “Норма- Инфо” М 2000г
11. Хартинг А.Е.—Пистолет и револьвери энциклопедия Райсента – 1997 г
12. Оливье Ашар. Винтовки и карабины мира. АСТ 1997.


13. Жан-Ноэль Муре. Революеры и пистолеты мира.  
Москва АСТ 1997

14. Кол.авторов—Судебная баллистика, Волгоград  
МВД РФ 1998г.

## **Схемалар**



## ЎҚОТАР ҚУРОЛЛАРИНИ КРИМИНОЛИСТИК ТАСНИФИ



## Тест саволлари

**Криминалистика баллистикасининг объектларинисанаб ўтинг.**

А) Ўқ-ортар қуроллар

Б) Ўқ-ортар қуроллар, ўқ дори, ҳарбий снарядлар, ўқ излари. (тўғри жавоб)

В) Совуқ қуроллар

Г) Барча жавоблар нотўғри

**Узун стволли қуролларга қандай қуроллар киради.**

А) Пистолет, пулемёт, револьвер

Б) винтовка, (тўғри жавоб)

В) карабинлар

Г) барча жавоблар нотўғри

**Ўрта стволли қуролларга қандай қуроллар киради.**

А) Револьвер

Б) ов қуроллари

В) автоматлар ва карабинлар. (тўғри жавоб)

Г) барча жавоблар нотўғри

**Қисқа стволли қуролларга қандай қуроллар киради.**

А) ов қуроллари

Б) Винтовка

В) Пистолет, револьвер. (тўғри жавоб)

Г) барча жавоблар нотўғри

**Қандай ўқ отар қуролад барабан мавжуд**

А) Пистолет

Б) \*Револьвер

В) ов қуроллари

Г) барча жавоблар нотўғри

**Пистоллет ТТ нинг стволи қандай**

А) Нарезкали. (тўғри жавоб)

Б) Силиқ стволи

В) Аралаш

Г) барча жавоблар нотўғри



## **Мавзу: Ҳужжатларни криминалистик текшириш.**

### **Машғулот режаси:**

1. Ҳужжатларни криминалистик тадқиқ қилиш турлари ва тушунчаси. ҳужжатларни далилий ашё сифатида текшириш.
2. Ҳужжатларни тергов жиҳатдан кўздан кечиришда ишлатиладиган техник ашёлар ва усуллар.
3. Ҳужжатларнинг қалбакилигини аниқлаш услублари.
4. Ҳужжатларни техник криминалистик тадқиқ қилишда ишлатиладиган усуллар.

### **Синов саволлари:**

1. Ашёвий далил бўлган ҳужжатларни тергов жараёнида кўздан кечириш мақсад -вазифалари.
2. Ёзувларни ювилиши, ўзгартирилиши, ўчирилиши деганда нималар тушунилади ва ҳужжатлардаги шу каби сохталашни қандай белгилар тавсифлайди?

3. Ёзувдан айрим парчаларни ўчириб ташланиши ва бошқа ёзувларни киритиш ҳолларидан огоҳ этувчи белгиларни айтинг?

4. Ҳужжат-ашёвий далилларни кўздан кечиришда қандай илмий-техник воситалар қўлланилади?

5. Ҳужжат реквизитлари деганда нималар тушинилади?

6. Ҳужжатларни қисман ва тўла сохталаштириш тушунчаси?

7. Ҳужжатларни криминалистик тадқиқ қилиш турлари?

8. Мухрларни қалбаки экалигини билдирувчи белгилар?

9. Ҳужжатларни техник криминалистик тадқиқ қилишда қандай масалалар ҳал қилинади?

10. Ҳужжатларни техник томондан қалбакилаштириш усуллари?

**Мавзу: Криминалистик хатшунослик текшируви.**

**Машғулотнинг режаси:**

1. Суд хатшунослиги хатшунослик тушунчаси экспертиза текширув вазифаси

2. Қўлёзма асосида ёзган шахсни идентификация қилишнинг илмий асослари.

3. Қўлёзма белгиларининг турларини тавсифлаш.

4. Суд хатшунослик экспертизаси ва унинг замонавий имкониятлари.

### **Синов саволлари:**

1. Нутқ, хат, қўлёзма тушунчаси?

2. Қўлёзманинг индивидуаллик асослари?

3. Қўлёзманинг умумий хусусиятлари?

4. Қўлёзманинг идентификацион хусусий белгилари белгилари?

5. Қўлёзманинг топографик ва нутқ белгилари?

6. Қўлёзма асосида аниқланадиган масалалар?

7. Солиштириб текшириш учун хат намуналари турлари ва уларни олиш тартиби?

### **Мавзуга оид адабиётлар:**


1. Алимова Р. - Хужжатларни криминалистик текшириш, Криминалистика техникаси, ўқув қўлланма Тошкент 1999 й.

2. Алимова Р. – Қўлёзма матнларни криминалистик усулда текшириш, Криминалистика дарслиги Тошкент 2003 й.
3. Алимова Р, Атаходжаев С. – Суд экспертизасини тайинлаш ва ўтказиш масалалари, ўқув қўлланма Тошкент 2001 й.
4. Норбоев А. – Криминалистика схемалар, ўқув қўлланма Тошкент 2002 й.
5. Яблоков Н.П. – Криминалистика учебник, М. Бек, 1995 г.
6. Дулов А. – Упражнение по криминалистической технике, М 1997 г.
7. Абдумажидов Г.А., Алимова Р.А., Норбоев А.Н ва бошқалар Криминалистика дарслиги 1-ж. Тошкент 2003 й. Хужжатларни крим техникаси асосида текшириш боби. .... бетлар
8. Сосенушкина М.Н.—Основы технико— криминалистической экспертиза документов, М. МВД РФ 1996г.
9. Судебно- техническая экспертиза документгов ВНИИС, М. 1993г

10. Образцов В.А.- Техника криминалистическое исследование документов, Учебник криминалистики М. 2002г

## Схемалар

### **ХУЖЖАТЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ**



## Тест саволлари

**Қўлёзма матнлар хужжатларни криминалистик усулда текшириш объекти бўла оладими**

А) объекти саналади. (тўғри жавоб)

- Б) объекти бўла олмайди
- В) қўлёзма матнларнинг айрим белгилари объект бўлиб ҳисобланади.
- Г) барча жавоблар нотўғри

**Қалбакиллаштирилган қиммат баҳо қоғозлар қандай усулда текширилади.**

- А) криминалистик техник усулда. (тўғри жавоб)
- Б) хатшунослик текшируви усулда
- В) муаллифшунослик усулда
- Г) барча жавоблар нотўғри

**Криминалистик муаллифшунослик текширувининг объектлари кўрсатинг**

- А) Гувоҳнома
- Б) Бадий адабиётлар ва қўлёзма матнлар. (тўғри жавоб)
- В) қалбакиллаштирилган ўжжатлар
- Г) барча жавоблар нотўғри

**Ўжжатларни қалбакиллаштириш турларини кўрсатинг.**

- А) Ўжжатни сохталаштриш ва ўзгартма киритиш усули. (тўғри жавоб)
- Б) ўжжатни учириб ёзиш
- В) ўжжатни рангсизлаштириш
- Г) имзоларни техникавий қалбакиллаштириш

**Дастхатнинг топографик белгиларини кўрсатинг.**

- А) Қўлёзма ёзувларнинг ўжжатдаги жойлашуви (тўғри жавоб)
- Б) дастхатнинг нутқ белгилари
- В) дастхатнинг ишланиш даражаси
- Г) дастхатнинг умумий ва хусусий белгилар.

**Дастхатнинг индивидуал белгилари деганда нима назарда тутилади**

- А) Дастхатдаги умумий белгиланинг мавжудлиги
- Б) Дастхатнинг айнанлиги(қайтарилмаслиги). (тўғри жавоб)
- В) дастхатда хусусий белгиларнинг мавжудлиги
- Г) барча жавоблар нотўғри

**Мавзу: Одамларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида  
идентификация ўтказиш.**

**Машғулот режаси:**

1. Одамни ташқи кўриниши белгилари асосида идентификация ўтказиш.
2. Ташқи белгиларни тавсифлаш тартиби. Қидирув тезкор ва тергов ишларида сўз билан тасвирланган инсон портретини кўллаш.
3. Таниб олиш учун оғзаки тасвир портрети асосида инсонни идентификациялаш.
4. Суд портрет экспертизаси ўтказиш учун объектларни тайёрлаш.

**Синов саволлари:**

1. Шахснинг ташқи тузилиш белгилари, тузилиши тизими махсус тушунчаси?
2. Анатомик (статик), функционал (динамик) ва алоҳида кўзга ташланувчи белгилар тушунчаси? Уларнинг идентификацион аҳамияти.

3. Сўз билан ифодалаш портретининг амалий қўлланиши.
4. Фото ва видео ёзувдаги шахс портретларини идентификациялаш тартиби.
5. Фоторобот, изоробот тушунчаси, тайёрланиш услуги.
6. Суяк қолдиқлари асосида инсон шахсини аниқлаш методи.


### **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Алимова Р. – Шахснинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация ўтказиш, Криминалистик техникаси Тошкент 1999 й.
2. Алимова Р. – Одамларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация ўтказиш, дарслик 1-ж. Тошкент 2003 й.
3. Алимова Р, Атаходжаев С. – Одамнинг портрети асосида идентификациялаш, ўқув қўлланма Тошкент 2001 й.
4. Кирсакова Л, Земин А. – Криминалистическая фото – портретная экспертиза, М 1991 г.
5. Гинзбург А.Я. – Опознание в следственной, оперативно-розыскной и экспертной практике, уч пособие М. 1996 г.



6. Топорков А. – «Словесный портрет» практическое пособие М «Юрист» 1999 г.
7. Норбоев А. – Криминалистика схемаларда, укув кулланма Тошкент 2002 й
8. Овсянникова М – Криминалистическая гобитоскопия, Криминалистическая учебник. М. 2000 г.

# Схемалар



**СУБЪЕКТИВ**

<i>Идеал (фараз қилинган образ)</i>	<i>Субъектив портретлар</i>	<i>Моддий</i>
<i>Оғзаки таъриф</i>		<i>Бош суяги бўйича тикланган</i>
<i>* Тартиблаштирилган (оғзаки портрет усули бўйича)</i>	<i>* Чизилган * Композицион чизилган</i>	<i>* Пластик * График</i>

**ОБЪЕКТИВ**

<i>Фотосуръатлар</i>
<i>Конотасмалар</i>
<i>Видеоёзувлар</i>
<i>Мархумнинг юзидан олинган қолиплар</i>
<i>Рентген суръатлари ва флюорограммалар</i>
<i>Суюқ қолдиқлари</i>
<i>Буюмлар ва излар</i>

**Тест саволлари**

**Қуйидаги қайси белгилар шахснинг анатомик белгиларига киради.**

- А) Тана тузилши, қадам ташаши, мимика
- Б) Бўй, бош, юз тузилиши. (тўғри жавоб)
- В) Ўзга хос белгилар
- Г) Барча жавоблар нотўғри

**Қуйидаги қайси белгилар шахснинг функционал белгиларига киради**

- А) Қадам ташаши, нутқи, овози. (тўғри жавоб)
- Б) Ўзига хос хусусиятла

В) Кўзга ташланадиган алоҳида белгила

Г) Барча жавоблар нотўғри

**Криминалистика курсининг қайси бўлимига мазкур мавзу \_  
«Одамнинг ташқи қиёфа белгилари» киртилган?**

А) Криминалистик методика

Б) Криминалистика тактикаси

В) Криминалистика техникаси. (тўғри жавоб)

Г) Криминалистика методологияси

**Инсоннинг ташқи қиёфа тузилиши бўйича маълумотларни ким  
биринчи бўлиб фан тизига киритган.**

А) Юрген Торвалт

Б) А.Бертильон (тўғри жавоб)

В) Ганс Гросс

Г) Ломбразо

## **Мавзу: Криминалистик рўйхат**

### **Машғулот режаси:**

1. Криминалистик рўйхатнинг тушунчаси ва вазифалари.
2. Криминалистик рўйхатнинг турлари, объектлари.
3. Криминалистик учёт, маълумот-қидирув тармоқлари воситаларининг қўлланилиши.
4. Ахборот марказининг криминалистик учёт олиб бориш ва унинг жиноятларни тергов қилиш ва фош этишдаги аҳамияти.
5. Криминалистик рўйхат фаолиятида янги техник воситаларини қўллаш. .

### **Синов саволлари:**

1. Криминалистик рўйхатни турлари ва вазифалари
2. Криминалистик учётга олиш қаерда ва қандай олиб борилади?
3. Жинойтчини рўйхатлаш турлари, тартиби.
4. Объектларни криминалистик учётга олишнинг усуллари.
5. Шахсни номалум мурдани рўйхатга олиш тартиби.


### **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Абдумажидов Г. – Криминалистик рўйхатга олиш. Криминалистика дарслиги 1-ж. Тошкент 2003 й.
2. Норбоев А. – Жиной рўйхат, Криминалистика техникаси ўқув қўлланма, Тошкент 1999 й.
3. Овсянникова М. – Криминалистическая регистрация, учебник Криминалистики, М 2000 г.
4. Корухов Ю.Г. – Криминалистическая диагностика при расследование преступлений, Норма М, 1994 г.
5. Образцов В. – Криминалистика, учебник , М. юрист 2002 г.

6. Норбоев А. – Криминалистика схемалар, укув қўлланма Тошкент 2002 й.

7. Маликов С, Казловцев В. – Краткий курс криминалистики, вопросы и ответы, М. Юр-ин форм, 2002 г.

## Схемалар



## Тест саволлари

**Криминалистик рўйхатга олишнинг объектларини кўрсатинг.**

- А) айбланувчи, судланувчи, шахси танилмаган мурда, калбакиллаштирилган паспортлар, жиноят қуроллари, бедарак йўқолган шахслар, антиквар буюмлар
- Б) шахси танилган мурда, гумонланувчи
- В) гувоҳлар ва жабрланувчи, йўқолган буюмлар
- Г) барча жавоблар нотўғри

**Шахс ва мурдаларни қандай криминалистик рўйхатга олинади.**

- А) алфавитли карточка, дактилоскопик рўйхат
- Б) паспортлар, жиноят қуроллари, бедарак йўқолган шахслар, антиквар буюмлар
- В) шахси танилган мурда, гумонланувчи
- Г) гувоҳлар ва жабрланувчи, йўқолган буюмлар

**Криминалистик рўйхатга олиш тизими қандай**

- А) Марказлаштирилган ва маҳаллий. (тўғри жавоб)
- Б) маҳаллий, паспортлар, жиноят қуроллари, бедарак йўқолган шахслар, антиквар буюмлар
- В) шахси танилган мурда, гумонланувчи
- Г) гувоҳлар ва жабрланувчи, йўқолган буюмлар

**Криминалистик тактикаси**

**Мавзу: Терговни режалаштириш ва версия юриши**

**Машғулот режаси:**

1. Терговни режалаштириш тушунчаси.
2. Версия тергов режасининг элементи сифатида ташкил қилиш ва текшириш масалалари.
3. Тергов режаси намунасини тузиш.

4. Версия турлари, умумий-хусусий.
5. Версияларни текшириш масаласи.
6. Тергов режасининг турлари.

Машғулот ўтказиш учун зарур бўлган ўқув кўргазмали воситалардан, ўқув видео фильми, версия юритиш учун архив жинойи иш ва ўқув кадусларини ишлатиш лозим

### **Саволлар:**

1. Терговни режалаштириш тушунчаси, умумий режа тушунчадан фарқи?
2. Версия нима ва унинг турлари?
3. Жинойят иши юзасидан аниқлаш-исботлаш предмети?
4. Версиянинг ҳақиқат, далил бўлиш босқичи?

### **Мавзу юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар:**

1. Абдумажидов А. – Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари, Криминалистика дарслиги 1-ж. Тошкент. 2003 й.
2. Абдумажидов А. – Терговни режалаштириш ва ташкил этиш, Тергов версиялари тўғрисида таълимот. Криминалистика дарслик 1-ж. Тошкент 2003 й.



3. Криминалистика дарслиги, Тошкент 2005 йил.
4. Алимова Р – Тергов ишини режалаштириш ва версия юритиш. Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма Тошкент 2000 й.
5. Рустамбаев М.Х, Норбоев – Криминалистика схемалар, ўқув қўлланма 2002 й.
6. Васильев А.Н – тактика следственных действий, М. 1981 г.
7. Филиппов А.Г. – Общие положения криминалистической тактики, учебник М. 2000 г.

### **Схемалар**

## КРИМИНАЛИСТИКА ТАКТИКАСИ

Бу - криминалистиканинг алоҳида бўлими бўлиб, тергов фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш қонуниятларини ўрганади.

## КРИМИНАЛИСТИКА ТАКТИКАСИ ТИЗИМИ

### УМУМИЙ ҚИСМ

#### Криминалистика тактикаси-нинг илмий

- Криминалистика тактикаси предмети
- Криминалистика тактика-сининг вазифалари
- Криминалистика тактикаси тизими
- Криминалистика тактикаси

#### Тергов фаолиятини илмий ташкил этиши

- Терговни режалаштириши
- Тактик усуллар тугрисида к р и м и н а л и с т и к а таълимоти
- Терговчининг суриштирув органлари ҳодимлари билан ўзаро ҳамкорлиги назарияси
- Тергов фаолиятида жамоатчилик ва

### МАХСУС ҚИСМ

#### Алоҳида тергов ҳаракатлари

- Объектларни кўздан кечи-риш ва гувоҳлантириш тактикаси
- Сўроқ қилиш ва юзлашти-риш тактикаси
- Тинтув тактикаси
- Хибсга олиш ва ушлаш тактикаси;
- Таниб олиш учун кўрсатиш тактикаси;
- Тергов

#### Суд тергов татикаси

- Суд сўрогининг тактикаси
- Суднинг кўздан кечириш тактикаси;

Бу – тергов вазифаларини, уларни ҳал этиш воситалари, усул ва услубларини танлашга доир терговчининг ақлий фаолияти



## Мавзу: Ҳодиса жойини кўздан кечириш

### Машғулот режаси:

1. Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг тушунчаси, бошқа ҳаракатлар билан боғлиқлиги.

2. Кўздан кечиришнинг процессуал тартиб ва тактик ҳолатлари.

3. Кўздан кечириш турлари, объектлари.

4. Тергов ҳаракатнинг иштирокчилари.

Машғулот ўтказишга керак бўладиган ўқув кўргазмали воситаларидан тактика ва ҳодиса жойини кўздан кечириш тартиби мавзусида ўқув видеофильми.

Жиноят содир бўлган жойнинг инсценировка қилинган ўқув хонасида конкрет жиноят категорияси (ўғирлик, қотиллик) ҳолатини ташкил қилинган жой ва очиқ жойдаги кўздан кечиришни ташкил қилиш учун амалиётдан маълум казус бўлмоғи лозим.

### **Синов саволлари:**

1. Кўздан кечиришнинг бошқа тергов ҳаракатидан фарқи?
2. Кўздан кечиришнинг биринчи босқичи, умумий абзор ва чегарасини аниқлаш?
3. Қайси соҳадаги мутахассис иштирок этмоғи лозим?
4. Техникавий қоидаларини кўздан кечириш жараёнида қўлланиши?

5. Кўздан кечириш жараёнида қўлланадиган услублар (статик, динамик) тушунчаси?

### **1 – Амалий машғулот**

Ҳодиса жойини (бино, яшаш жой) ўқув методик хонасида ташкил қилинган макети бўйича ходисани кўздан кечириш.

Талабалар гуруҳидан тергов ҳаракатининг иштирокчилари белгиланади: холислар, мутахассис, тезкор ходимлар, фотограф ва бошқалар.

Терговчи вазифасини бажарувчи талаба дастлабки тайёргарлик, иштирокчиларни инструктаждан ўтказиб ҳар бирининг вазифасини белгилайди. Кўздан кечиришни ўнгдан чапга ёки аксинча чапдан хонанинг бир чеккасидан бошланади.

Жиноят оқибатини таҳлил қилиб тегишли версиялар тузилади. Оғзаки суриштирув маълумот олиш билан гувоҳлар аниқланилади. Тезкор ходимларга жиноятда гумонланган шахсларни қаердан ва кимлар орасидан қидириш лозимлигини тушинтиради.

### **2-машғулот**

Кўздан кечириш натижалари юзасидан баённома тузиш.

Баённоманинг кириш қисмидаги реквизитлар кўрсатилади:

Қандай жиноий иш, юзасидан қаерда, қай вақтда, ким томонидан ўтказилганлиги, иштирокчилар ва бошқа маълумотлар кўрсатилади. Баённоманинг умумий кўриниш намунасини қўллаш билан амалга оширилиши мумкин.

Баённоманинг иккинчи қисми, “Кўздан кечириш натижасида қуйидагилар аниқланди” жумласидан бошланиб, жойнинг умумий тавсифидан бошланади ва кўздан кечириш қандай олдинма-кетинликда ўтказилган бўлса шундай тизимда фиксация (ёзиб) борилади, айрим жойлар (излар, жиноят куруллари ва б) фото суратга олинади, имкони бўлса кўздан кечириш давомида видео ёзувга тушириш лозим.

### **3-машғулот**

Очиқ жойда ходиса жойини кўздан кечиришни ташкил қилиш.

Талабалар гуруҳидан: терговчи, холислар, мутахассис, тезкор ходимлар белгиланиб, ходиса жойида инструктаж ўтказилади. Ўқув кўргазмали ашёлардан жабрланувчининг мурда макети

(муляжи) ва атрофида қон, пойабзал, транспорт изларини имитация қилинади.

Кўздан кечириш чегараси ва қаердан бошлаш кераклиги белгиланади. Терговчи вазифасини бажарувчи талаба кўздан кечиришни бошлайди, иштирокчиларга тегишли топшириқларни тушунтиради. Кўздан кечириш жараёнида фотограф-мутахассисга: ориентирли, обзорли ва айрим жойларни ва изларни деталли суратга олишликни топширади.

Кўздан кечириш натижалари баённомада қайд қилинади. Баённома процессуал қонун талаблари ва қонунда асосида тузилади. Унга фото суратлар видеоёзув тасвири, олинган ашёвий далиллар (излар жиноят қуроли ва б) илова қилинади.

Баённома кўздан кечириш иштирокчилари томонидан тасдиқланади, терговчи ўз имзоси билан мустаҳкамлайди.

### **Мавзуга тегишли адабиётлар:**

1. Абдумажидов А. – Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари, Криминалистика дарслиги 1-ж. Тошкент. 2003 й.

2. Суяров Қ – Ҳодиса жойини кўздан кечириш. Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма Тошкент 2000й.
3. Суяров Қ – Ҳодиса жойини кўздан кечириш тактикаси. Криминалистика дарслиги 1-ж Тошкент 2003й.
4. Норбоев А. - Ҳодиса жойини кўздан кечириш. Услубий қўлланма Тошкент.1999 й
5. Норбоев А. – Криминалистика схемаларда ўқув қўлланма. Тошкент 2002 й.
6. Норбоев А. Ахмедов Т. – Портиловчи воситалар билан боғлиқ бўлган ҳодиса жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартиби, ўқув қўлланма Тошкент . 2005 й
7. Эсанов М. – Ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш. Ўқув қўлланма Тошкент 1997 й.
8. Мирзаев Т – Ҳодиса жойини кўздан кечириш тактикаси. Дарслик Тошкент 2005 й.
9. Процессуал ҳужжатлар тузиш (намуналар) Тошкент 1995й
10. Жиноят-процессуал кодекс. Тошкент 2009й.



## Тест саволлари

### Куздан кечиришнинг мақсадларини санаб утинг

- А) Тергов қилинаётган ходисанинг характери ва ҳолатларини аниқлаштириш учун вазиятни бевосита урганиш, жиноят изларини, шунингдек ашёвий далилларни аниқлаш, расмийлаштириш, олиб қуйиш ва баҳолаш, илгари сурилаётган умумий ҳамда хусусий тахминлар учун маълумотларни олиш, жиноятчига нисбатан кидирув эълон қилишни ташкиллаштириш учун маълумотлар олиш, иш учун ахамитли булган бошка ҳолатларни аниқлаш, жиноят излари буйича жиноятчини кидириш. (тўғри жавоб)
- Б) Жиноятнинг очилишига жамоатчиликни жалб қилиш, криминалистик ҳисоблардан фойдаланиш.
- В) Гувоҳ ва жабрланувчиларни сурок қилиш, суд-экспертизалари тайинлаш
- Г) Тергов қилинаётган ходисанинг характери ва ҳолатларини аниқлаштириш учун вазиятни бевосита урганиш, жиноят изларини, шунингдек ашёвий далилларни аниқлаш, расмийлаштириш, олиб қуйиш ва баҳолаш, илгари сурилаётган умумий ҳамда хусусий тахминлар учун маълумотларни олиш.

### Куздан кечиришнинг турларини курсатинг

- А) Воқеа жойини куздан кечириш, предметларни куздан кечириш, мурдани ташки куздан кечириш, ҳужжатларни куздан кечириш, хайвонлар ва уларнинг мурдаларини куздан кечириш, уй-жойнинг қисмларини куздан кечириш, биноларни куздан кечириш. (тўғри жавоб)
- Б) Гумонланувчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчиларнинг танасида жиноят излари ёки алоҳида предметларнинг мавжудлигини куздан кечириш, эксперт ҳулосасини куздан кечириш.
- В) Ходиса жойи ҳисобланмаган биноларни куздан кечириш
- Г) Воқеа жойини куздан кечириш, предметларни куздан кечириш, мурдани ташки куздан кечириш, ҳужжатларни куздан кечириш.

### Куздан кечиришнинг умумий тактик ҳолатларини айтинг

- А) Куздан кечиришнинг амалийлиги, зарурлиги ва мақсадга мувофиқлиги.
- Б) Илмий-технавий воситалардан кенг фойдаланиш, куздан кечиришни кечиктириб булмаслик, ягона раҳбарлик, ҳолислик, тулалик, ҳар томонламалик, уз вақтидалик, мақсадга интилувчанлик ва режаллиги. (тўғри жавоб)
- В) Куздан кечиришнинг субъективлиги, мақсадга мувофиқлиги
- Г) Илмий-технавий воситалардан кенг фойдаланиш, куздан кечиришни кечиктириб булмаслик, ягона раҳбарлик, ҳолислик.

**Куйида санаб утилган умумий процессуал талалардан қайси бири тергов куздан кечиришига тадбиқ қилинади**

- А) Куздан кечириш жабрланувчининг иштирокида утказилиши мумкин; баённома фақат куздан кечиришнинг иштирокчилари томонидан имзоланади; куздан кечириш ҳолислар иштирокида амалга оширилади; куздан кечиришда иштирок этиш учун турли мутахассислар жалб қилинади; куздан кечириш шахсан терговчи томонидан утказилади; баённома куздан кечиришга параллел равишда тузилади. (тўғри жавоб)
- Б) Мутахассис куздан кечириш жараёнида бир вақтнинг узида эксперт ҳсобланади; куздан кечиришнинг боришида мутахассислар ҳулоса берадилар.
- В) Куздан кечиришда унинг туридан қатъий назар прокурор қатнашади; жабрланувчи ёки гувоҳни сурок қилиш ҳолислар иштирокида ҳодиса жойида утказилади.
- Г) Куздан кечириш жабрланувчининг иштирокида утказилиши мумкин; баённома фақат куздан кечиришнинг иштирокчилари томонидан имзоланади; куздан кечириш ҳолислар иштирокида амалга оширилади; куздан кечиришда иштирок этиш.

**Воқеа жойини куздан кечириш объектларини санаб утинг**

- А) Уй-жой учатқаси, ҳодиса тугрисидаги тасаввур билан боғлиқ булган бино; ҳодиса жойи вазияти (обстановаси); мурда, жиноят ва жинотчининг излари; предметлар ва ҳужжатлар. (тўғри жавоб)

- Б) Хаёт ва соглик учун хавфли булмаган жароҳатлари билан жабрланувчи; жинотни содир этишда гумон қилинаётган; микрокисмларни куздан кечирш.
- В) Гумонланувчида мавжуд булган предметлар, уқотар қурол стволи микрорельефининг излари
- Г) Уй-жой учаткаси, ходиса тугрисидаги тасаввур билан боғлиқ булган бино; ходиса жойи вазияти (обстановаси).

**Воқеа жойини куздан кечиришда тергов-оператив гуруҳининг таркибига қимлар қиради**

- А) Терговчи; мурда топилганда суд тиббиёти соҳасидаги мутахассис; мутахассис криминалист; ИИБ тезкор ходимлари; кинолог. (тўғри жавоб)
- Б) Ходиса тугрисида хабар қилган аризаچی; жиноят, жабрланувчининг белгилари мавжуд булган муассаса, ташкилот, қорхона маъмуриятининг вақили.
- В) Участка инспектори, прокурор
- Г) Ходиса тугрисида хабар қилган аризаچی; жиноят, жабрланувчининг белгилари мавжуд булган муассаса, ташкилот.

**Воқеа жойини куздан кечирининг тактик усулларига нималар қиради**

- А) Куздан кечирини босқичларга булиш; Куздан кечирининг боришида ходиса жойи буйича терговчининг ҳаракатланиши йуллари, куздан кечирини чегараларини аниқлаш, куздан кечирини утқазини лозим булган нуқтани аниқлаш, ходиса жойини узеллар буйича куздан кечирини.
- Б) Ходиса жойи вазиятлари текширувининг тулалиги, куздан кечирини утқазини лозим булган жойини белгилаш.
- В) Куздан кечиринига тайёргарлик қуриш, тергов-оператив гуруҳини жамлаш, ходиса жойида булган воқеани қурганлар (очевидец) ва жабрланувчиларни сурок қилиш, қарор чиқарини, куздан кечирини чегараларини белгилаш (тўғри жавоб)

Г) Куздан кечиришни боскичларга булиш; Куздан кечиришнинг боришида ходиса жойи буйича терговчининг харакатланиши йуллари, куздан кечириш.

**Вокае жойи куздан кечирилганда кандай масалалар хал этилиши мумкин?**

- А) Ходиса жойи жиноят содир этилган жой хисобланадими; жиноятчи кандай килиб жиноят содир этилган жойда булиб колди; жиной харакатлар кандай давомийликда содир этилган; жиноят содир этилишида нечта шахслар иштирок этган; жиноятчи кандай йуналишда вокае жойини тарк этган; (тўғри жавоб)
- Б) Аникланган излар гумонланувчининг кули билан колдирилганми; хажмли излар гумонланувчининг оёк кийимидан хосил булганми ёки йук?
- В) Гумонланувчи томонидан жиноят содир этилганми; негатив (ижобий) холатлар мавжудми?
- Г) Ходиса жойи жиноят содир этилган жой хисобланадими; жиноятчи кандай килиб жиноят содир этилган жойда булиб колди.

## **Мавзу: Тергов эксперименти**

### **Машғулот ўтказиш режаси:**

1. Тергов эксперименти тушунчаси, уни ўтказиш зарурияти.
2. Эксперимент ўтказишга тайёргарлик кўриш.
3. Тергов ҳаракатини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби.
4. Эксперимент иштирокчилари ва уларнинг вазифалари.
5. Эксперимент натижаларини расмийлаштириш.

### **Синов саволлари :**

1. Эксперимент тушунчаси, ўтказиш зарурати?
2. Тергов ва эксперт экспериментининг фарқлари?
3. Эксперимент иштирокчилари?
4. Эксперимент ўтказишга асос бўлган процессуал қоидалари?
5. Эксперимент натижаларини ким ва қандай баҳолайди?

### **Мавзуга оид адабиётлар рўйхати.**


1. Норбоев А – Тергов экспериментини ўтказиш тактикаси. Криминалистика дарслиги 1-ж Тошкент 2003 й.
2. Ахмедов Д – Тергов экспериментини ўтказиш тактикаси, Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма Тошкент 2000 й.
3. Норбоев А – Криминалистика схемаларда ўқув қўлланма Тошкент 2002й
4. Мирзаев Т – Тергов эксперименти. Криминалистика дарслик Тошкент 2005 й.
5. Филиппов А.Г. – Тактика следственного эксперимента. Криминалистика учебник М 2000 г.
6. Яблоков Н – Экспериментальное исследование доказательств – науч. статья Сб Н/труд М 1997 г.
7. Криминалистика тактикаси ўқув қўлланма Тошкент 2000 й.
8. Васильев А.Н. – Тактика отдельных следственных действий. М 1989 г.
9. Белкин Р.С. – Профессия следователь. М. 1998 г.

#### **Тергов эксперименти мақсадлари**

- тергов тахминларини тешириш ва баҳолаш
- янги далилларни олиш
- тупланган далилларни текшириш



### **Тергов экспериментига тайёргарлик жараёнида терговчининг ҳатти-ҳаракати**



## Тест саволлари

**Тергов экспериментининг мақсадларини санаб утинг.**

- А) Жиноятга кумаклашувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш, жиноят иши материалларининг иллюстрацияси, мавжуд далилларни баҳолаш, айбдор шахсни аниқлаш
- Б) Маълум булган факт ёки ходиса тугрисидаги гувоҳликни тасдиқлаш, жиноят тарқибини ташкил этувчи ҳаракатларни тиклаш
- В) Янги далиллар олиш, иш учун аҳамиятга эга булган маълумотларни текшириш ва аниқлаштириш, мавжуд далилларни текшириш, тахмин (версиялар) ни текшириш. (тўғри жавоб)
- Г) Жиноятга кумаклашувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш, жиноят иши материалларининг иллюстрацияси, мавжуд далилларни баҳолаш

**Тергов экспериментининг турларини айтинг**

- А) Қандайдир ҳаракатларни содир этиш имкониятини аниқлаш, инсоннинг касбий ёки бошқа қуникмаларини текшириш, қандайдир ходисани қабул қилиш имкониятини текшириш, қузатув имкониятини белгилаш, қандайдир бир фактни қабул қилиш, изларни ҳосил бўлиш механизмини аниқлаш. (тўғри жавоб)
- Б) Шахснинг айбдорлигини аниқлаш, жиноят мотивларини аниқлаш, жиноят содир этиш йулларини аниқлаш.
- В) Гувоҳлик бераётган шахсдаги жароҳат изларини аниқлаш, жиноят изларини топиш имкониятини текшириш
- Г) Қандайдир ходисани қабул қилиш имкониятини текшириш, қузатув имкониятини белгилаш

**Тергов эксперименти йули билан нималар текшириш мумкин.**



- А) Жиноят содир этилишига кумаклашувчи холатлар, иш кушимчча терговга кайтарилгандан кейинги терговчининг тахминлари ёки суднинг версиялари, оператив йул билан олинган курсатувлар.
- Б) Айбланувчининг айбдорлиги, жиноят мотивлари, жиноят таркиби
- В) Айбланувчи, гумонланувчининг курсатувлари, гувоҳлар, жабрланувчилар курсатувларини, терговчининг, экспертнинг версияларини. (тўғри жавоб)
- Г) Оператив йул билан олинган курсатувлар.

**Тергов экспериментида иштирок этиши мумкин булган иштирокчиларни санаб утинг**

- А) Терговчи, холислар, мутахассис, айбланувчи, гумонланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, участка инспектори, адвокат, эксперт. (тўғри жавоб)
- Б) Судья, маслаҳатчилар, судланувчининг конвоирлари
- В) Прокурор, адвокат, эксперт, жиноят процесси ходимлари
- Г) Гумонланувчи, айбланувчи, холис, судья

**Тергов экспериментини режалаштиришда қандй масалаларга эътиборни қаратиш зарур?**

- А) Тергов экспериментининг мақсадларини аниқлаштириш шарт эмас, вақт ва жойни белгилаш аҳамиятга эга эмас, маҳорат (опыт, усул) мазмуни ва давомийлигини аниқлаштириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, бориш натижалари қайд қилинмайди.
- Б) Ёзма режа тузиш, тергов эксперименти мақсадларини аниқлаштириш, уни утқизиш вақти, жойи ва шароитларини белгилаш, опытлар мазмуни ва давомийлигини аниқлаштириш, эксперимент иштирокчилари ва уларни ҳар бирининг ролини аниқлаш,

опытлар учун зарур булган техник воситаларни белгилаш, унинг бориши ва натижаларини процессуал кайд этишнинг йуллари. (тўғри жавоб)

- В) Тергов эксперименти турини аниклаштириш зарур эмас, сутка вақтлари ва жойни белгилаш ахамиятга эга эмас, опытлар мазмуни ва давомийлигини аниклаштириш хал килувчи ахамиятга эга эмас, бориш натижалари факатгина салбий натижаларда кайд килинади
- Г) Опытлар мазмуни ва давомийлигини аниклаштириш, эксперимент иштирокчилари ва уларни хар бирининг ролини аниклаш, опытлар учун зарур булган техник воситаларни белгилаш

## **Мавзу: Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш**

### **Машғулот режаси**

1. Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш тушунчаси.
2. Тергов эксперименти билан боғлиқлик-ўхшашлик томони ва фарқи.
3. Кўрсатувларни текширишга тайёргарлик кўриш.
4. Тергов ҳаракати иштирокчилари доираси.

5. Текширув натижаларини расмийлаштириш ва баҳолаш.

Талабалар билимини текшириш мақсадида қуйидаги синов саволлари ҳал қилинади:

- Кўрсатувни ҳодиса жойида текшириш мақсади?
- Кўрсатувни текшириш билан экспериментал текширув орасидаги ўхшашлик ва ҳар қайсининг ўзига хослик томонлари?
- Жиноий ишнинг қандай ҳолатлари ҳодиса жойида текширилади?
- Жиноят процесси иштирокчилари орасида қайсиларининг кўрсатмалари текширилади?
- Ҳодиса жойига бориш учун кимлар жалб этилади?

### **Мавзуга оид тавсия қилинадиган адабиётлар**

1. Алимова Р – Кўрсатувларни ҳодиса жойида қайта текшириш, ўқув қўлланма Тошкент 2000 й.
2. Алимова Р - Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш тактикаси, Криминалистика дарслиги 1-ж. Тошкент 2003 й.

3. Белкин Р.С. – тактика следственных действий. М. новый юрист 1997г.
4. Норбоев А – Криминалистика схема (чизмаларда) ўқув кўлланма Тошкент 2002 й.
5. Баев О.Я. – Конфликтные ситуации на предварительном следствии, Воронеж 1984 г.
6. Филиппов А.Г. – Тактика проверки показаний на месте, учебник Криминалистики М. 2000 г.
7. Мирзаев Т. – Кўрсатувни ходиса жойида текшириш тактикаси, Криминалистика дарслиги Тошкент 2005 й.

## Схемалар

### Кўрсатув жойида текширишдан кўзланган вазифалар

Янги далилларни топиш  
Илгари аниқланган далилларни текшириш

кўрсатувларни жойида текширишга тайёргарлик

Сўроқ қилинган шахс кўрсатувларини ўрганиш ва муайянлаштириш

кўрсатувларни жойида текшириш мақсадини аниқлаш

Кўрсатув текшириладиган шахсни муфассал сўроқ қилиш

Гумон қилинувчи ёки айбланувчи кўрсатувларини жойида текширишда иштирок этишга нега розилик берганлигининг асл сабабларини аниқлаш

кўрсатувларни жойида текшириш учун вақт танлаш

Тергов харакати ўтказиладиган жойни олдиндан ўрганиш

Тергов харакати иштирокчиларини танлаш ва уларга йўл-йўриқ бериш

### **Кўрсатувларни жойида текширишнинг тактик усуллари**

Кўрсатувларни текширишга қарор қилинган шахснинг ихтиёрий розилиги

Кўрсатувларни текшириш ўтказиладиган жойида муайянлаштириш

Бир неча кишининг кўрсатувлари текшириладиганда, текширувни хар бир шахс билан алоҳида утказиш

Текшириш жараёнида текшириладиган шахснинг кўрсатувлари , хикоя ва хатти – харакатларнинг намоишини қўшиб олиб бориш

Кўрсатувларни текшириладиганда шахсга харакат қилиш ва йўналиш танлашда эркинлик бериш

Текшириладиган шахс кўрсатувларнинг конкрет жойидаги вазият ва тўпланган далиллар билан терговчи томонидан солиштирилиши

Жиноят изларининг топиш мақсадида жойларда қидирув ишларини ўтказиш

## Тест саволлари

**Кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш тергов ҳаракатини ўтказишда қандай криминалистик техника воситалари қўлланилади.**

А) видео тасвир, фото тасвир, магнит ёзув, қидириув техника воситалари. (тўғри жавоб)

Б) МРКА, РФ-2

В) Майда зарачалар учун криминалист жамлама

Г) Барча жавоблар нотўғри

**Курсатувларни воқеа жойида текширишнинг иштирокчиларининг санаб утинг**

А) Терговчи, курсатувлари текшириладиган ёки аниқлаштириладиган шахс, мутахассис, холислар, таржимон, эксперт, конвоирлар (агар айбланувчи ёки гумонланувчининг курсатувлари текшириладиган бўлса), адвокат. (тўғри жавоб)

Б) Курсатувлари текшириладиган шахснинг иштирок этиши шарт эмас.

В) Холислар, мутахассиснинг иштирок этиши шарт эмас.

Г) Терговчи, таржимон, эксперт

**Курсатувларни воқеа жойида текшириш тергов ҳаракатини ўтказишга розилик берган айбланувчи (гумонланувчи) амал қилиш мумкин бўлган мотивларни санаб утинг**

А) Жиноят излари тергов томонидан аниқланмаганлигига ишонч ҳосил қилиш, камокда қочишни амалга ошириш, иш буйича ҳақиқатнинг урнатилишига чин қўнгилдан ёрдам бериш, жиноят изларини йўқ қилиш, жиноят иштирокчилар билан алоқа урнатиш. (тўғри жавоб)

Б) Айбни уз буйнига олиш, угирланганларни яшириш эҳтиёжи, жиноят изалри хали аниқланмаганлигига ишонч ҳосил қилиш.

В) Бошка шахсга тегишли ашёвий далилларни колидириш максадида терговни ёлгон йулга етаклаш.

Г) Жиноят излари тергов томонидан аникланмаганлигига ишонч хосил килиш, камокда кочишни амалга ошириш, иш буйича хакикатнинг урнатилишига чин кунгилдан ёрдам бериш

**Курсатувларни ходиса жойида текшириш баённомасида акс эттирилиши мажбурий булган маълумотлар қайсилар?**

А) Шахснинг тушунтиришлари (Ушбу тергов харакати утказилишининг боришида курсатувлари текширилаётган ёки аниклаштирилаётган айбланувчи, гумонланувчи, гувоҳ, жабрланувчининг), топилган ва олиб қуйилган пердметлар ҳамда жиноят излари тугрисидаги ёзувлар, утказилаётган курсатувларни ходиса жойида текширишнинг максадлари тугрисидаги тушунтиришлар, техник воситаларнинг кулланилиши тугрисидаги ёзув, курсатувларни ходиса жойида текширишнинг бориши буйича тезкор гуруҳ харакатларининг бошлангич ва якуний пунктлари ҳамда оралик тухташлари пунктларини белгилаш, схематик режалар ва чизмаларни тузиш тугрисидаги ёзув. (тўғри жавоб)

Б) Юкорида санаб утилган маълумотлар баённомада акс эттирилмайди.

В) Баённомада факатгина шахснинг (мазкур тергов харакати утказилишининг бориши жараёнида курсатувлари текширилаётган ёки аниклаштирилаётган айбланувчи,

гумонланувчи, нгувох, жабрланувчининг) курсатувлари акс эттирилади.

Г) Шахснинг тушунтиришлари

**Мавзу: Тинтув ва олиб қўйиш тактикаси**

**Амалий машғулотнинг мақсад – вазифаси.**

Тинтув ва олиб қўйиш, тергов ҳаракатининг жиноятни тергов жараёнидаги аҳамияти, уни ўтказишга тайёргарлик кўриш, тезкор-қидирув ходимларининг ҳамкорлиги ва бошқа мавзуга тегишли масалаларни талабалар диққатига етказиш.

Тинтувнинг бошқа тергов ҳаракатларига нисбатан маъсулиятли ва манфаатдор шахсларга мажбурийлик хусусияти, уни ўтказиш учун махсус рухсат – санкция бўлишлиги каби масалаларни талабалар пухта ўрганиши учун, амалий машғулотда криминалистика тактикаси тавсияларини амалиётда қўлланишини ўргатиш.

**Амалий машғулотда ҳал қилинадиган саволлар:**

1. Тинтув тушунчаси, бошқа тергов ҳаракатларидан жумладан олиб қўйишдан фарқи?
2. Тайёргарлик кўриш қандай чораларни назарда тутаети?



3. Криминалистик техник воситаларни қайсилари, қандай қўллаш лозим?
4. Бинода ўтказиладиган тинтувнинг ўзига хослик хусусияти?
5. Очиқ жойлардаги тинтувнинг тактик қоидалари?

### **Амалий машғулот.**

Бино ичида алоҳида бир хоналик квартирада жиноий ишга тегишли бўлган ҳужжатлар қидирилади. Талабалар гуруҳидан терговчи, холислар, мутахассис ва оператив ходимлар белгиланади. Иштирокчилар билан инструктаж ўтказилади, хона эгасининг вакилига тинтув ўтказиш ҳақидаги қарор ўқиб эшитилади ва ашёвий далил бўлган ҳужжатлар ва бошқа объектларни чиқариб бериш таклиф этилади.

Тинтув тегишли тартиб-қоида, тактик усулларни қўллаб ўтказилади.

Тинтув натижаларини баённомада қайд қилиш топширилади. Топилган объектлар (ҳужжатлар ва ишга оид

бошқа ашёлар) суратга туширилади, бу ҳақда баённоманинг учинчи қисмида қайд қилинади ва тинтув иштирокчилари томонидан имзоланади, терговчи тасдиқлайди.


Топширик: Тинтув ўтказиш ҳақида қарор ва олиб қўйиш қайдномаси мустақил бажариш учун тавсия қилинади. Бу ҳужжатларни бажариш учун “Процессуал ҳужжатлар намунаси” қўлланмасидан фойдаланиш тавсия этилади.


### **Мавзуга оид адабиёт**

1. Абдумажидов А – Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари, Криминалистика дарслиги 1-ж. Тошкент 2003 й.
2. Хидоятлов Б.С. – Тинтув ўтказиш тактикаси, Криминалистика тактикаси, ўқув қўлланма, Тошкент 2000 й.
3. Орипов Т – Тинтув ва олиб қўйиш тактикаси. Криминалистика дарслик 1-ж. Тошкент 2003 й.
4. Мирзаев Т – Тинтув тактикаси, Криминалистика дарслиги Тошкент 2005 й.
5. Норбоев А – Криминалистика схемалар. Ўқув қўлланма Тошкент 2002 й.

6. Филиппов А – Тактика обыска и выемки, Криминалистика учебник М. 2000 г.
7. В. Образцов уголовно процессуальных актов, М. 1997 г.
8. Ўзбекистон Республикаси ЖПК Тошкент 2009 й.

## Схемалар





## Тест саволлари

### Тинтув жараёнида хал этиладиган масалаларни санаб утинг

- А) Угирланган мол-мулк, пуллар, кимматликларни топиш, жиноят курулларини топиш, узида жиноят изларини олиб юрувчи ёки жиноий фаолият махсулотлари ҳисобланган предметларни топиш, беркитилган мурда ёки унинг қисмларини топиш, фукаролик муомаласидан олиб қуйилган ашёлар, предметларни топиш, яширинган жиноятчини топиш. (тўғри жавоб)
- Б) Тергов килинаётган ходисанинг характер ива ҳолатларини аниқлаштириш учун вазиятни бевосита урганиш.

В) Гувохлар ва жиноят шохидларини топиш

Г) Угирланган мол-мулк, пуллар, кимматликларни топиш, жиноят курулларини топиш, узида жиноят изларини олиб юрувчи ёки жиной фаолият махсулотлари хисобланган пердметларни топиш, беркитилган мурда ёки унинг кисмларини топиш, тергов эксперименти айбланувчиси ёки гумонланувчисининг иш учун бошка мухим холатлар билан алокасинидан далолат берувчи хужжатлар

**Тинтув объектларига кура тинтув турларини санаб утинг**

А) Шахсий тинтув, бинолардаги тинтув, уй-жой участкаларининг тинтуви (тўғри жавоб)

Б) Бир марталиқ тинтув, такрорий тинтув, мурдани тинтув килиш, дастлабки тинтув

В) Танловли тинтув, гурухли тинтув, фавкулодда (экстренный ) тинтув

Г) Бир марталиқ тинтув, такрорий тинтув

**Тинтув утказишда иштирок этмайдиган шахсларни кўрсатинг.**

А) Терговчи, мутахассис, тезкор қидириув ходимлари

Б) жабрланувчи, гувоҳ. (тўғри жавоб)

В) суд мед эксперт, прокурор

Г) барча жавоблар нотўғри

**Тинтув утказишда кандай техник воситалар кулланилади?**

А) МРКА

Б) Видео тасвир, фото тасвир, овоз ёзиш, терговчининг криминалистик жамланмаси. (тўғри жавоб)

В) РФ-2

Г) Барча жавоблар тўғри

**Тинтув утказилишида иштирок этувчи шахсларни санаб утинг**

А) Терговчи, мутахассис, жиноят кидирув булими ходимлари, холислар, тинтув килинаётган шахс, корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг вакили. (тўғри жавоб)

Б) Жабрланувчи.

В) Жиноят шохидлари.

Г) Гувоҳ

**Ташкил этиш усулларига қараб қандай тинтув турларини биласиз?**

А) Шахсий тинтув, иншоотлардаги тинтув, уй-жой участкаларининг тинтуви

Б) Бир маротабалик тинтув, гурухли тинтув, тезкор (экстренный) тинтув. (тўғри жавоб)

В) Танловли тинтув, гурухли тинтув, мурданинг тинтуви

Г) Шахсий тинтув, иншоотлардаги тинтув

**Тинтув бориши ва натижаларини қайд қилиш усуллари қандай?**

А) Кино тасвир, баённома, тинтув жой режаси тузилади, видео тасвир, фото тасвир, овоз ёзиш. (тўғри жавоб)

Б) Тайник ларни чизиш, тинтув жойи макети тайёрланади.

В) Наъмуналарни олиш баённомаси тузилади

Г) Кино тасвир, баённома, тинтув жойт режаси тузилади

## **Мавзу: Таниб олишга кўрсатиш**

### **Амалий машғулот вазифаси:**

Далил тўплаш ва содир бўлган жиноятни очиш-исботлаб бериш, жиноятни содир қилган шахсни аниқлаш учун бошқа тергов ҳаракатлари қаторида таниб олишга кўрсатиш ҳам ўз ўрни ва аҳамиятига эгадир. Мазкур тергов ҳаракатини ўтказишда процессуал қонун асосида ва шунингдек тактик қоидаларни қўллаш билан тўғри ташкил қилиш ва ўтказиш лозим бўлади. Мавзунини ўрганиш мақсади маъруза билан бир қаторда амалий машғулот ўтказиб талабалар билимини мустаҳкамлашдан иборатдир.

### **Машғулотда ҳал қилинадиган синов саволлари:**

1. Таниб олишга кўрсатиш тушунчаси?
2. Таниб олишни ўтказиш учун қўйиладиган талаблар?
3. Идентификациялаш услуби таниб олишда қўлланиш шакли?
4. Тергов ҳаракати иштирокчилари (таниб олинувчи, таниб олувчи) лар?
5. Таниб олишга кўрсатиш учун тайёргарлик тушунчаси?

6. Тергов ҳаракатини ўтказиш шароитлари?
7. Қўлланадиган криминалистик техник воситалар?

### **Амалий машғулот мазмуни**

Тергов ҳаракатининг иштирокчилари орасидан танилувчи, таниб олувчи шахслар, холислар ва бошқа катнашувчилар белгиланиб таниб олинувчи шахсни унга ўхшаш бўлган 3-5 нафар бошқа шахслар орасида кўрсатиш амалга оширилади. Таниб олишни ташкил қилишда процессуал қонун талаблари амалда қўлланилади.

Танилувчи бошқа объектлар (жиноят қуроли, ўғирланган буюм ва б)ни таниб олиш машқи ҳам тегишли шароит ва тактик услублар асосида ўтказилади.

Натижалар ҳар бири алоҳида баённомада қайд қилинади. Баённомада таниб олган шахс ўз тушунчасини қайси белги аломатлари асосида танигани ёритилади.

Тергов ҳаракатининг натижаларини баҳолаш, умумий принциплари асосида ўтказилиб, фикр алмашув ва мунозаралар ўтказилади.



Мавзуга оид видео ўқув филми намойиш этилади, сўнг савол жавоб ва фильм мазмуни бўйича фикр алмашуви ўтказилади.

### **Мавзуга оид адабиётлар**

1. Абдумажидов А – Криминалистик тактиканинг умумий қоидалари. Криминалистика дарслиги 1-ж. Тошкент 2003 й.
2. Норбоев А – Таниб олиш учун кўрсатиш тактикаси, Криминалистика тактикаси, ўқув қўлланма Тошкент 2000 й.
3. Норбоев А – Криминалистика схемаларда, ўқув қўлланма Тошкент 2002 й.
4. Норбоев А – Таниб олиш учун кўрсатиш тактикаси, дарслик 1-ж. Тошкент 2003 й.
5. Мирзаев Т – Таниб олиш учун кўрсатиш, Криминалистика дарслиги. Тошкент 2005 й.
6. Филиппов А – Предъявление для опознания, учебник М. 2000 г.
7. Ўзбекистон Республикаси ЖПК – Т. 2004
8. Практикум по криминалистике, учебное пособие М 1995 г
9. Образцов В.А.- Криминалистика, курс лекции, М. 1996 г

## Тест саволлари

### Таниб олиш учун курсатиш турларини айтинг

- А) Одамни, мурда ва унинг қисмларини, буюм ва предметларни, жиноят қуролларини, хужжатлар, хайвонлар ва уларнинг мурдаларини таниб олиш учун курсатиш. (тўғри жавоб)
- Б) Факатгина одамларни таниб олиш учун курсатиш.
- В) Таниб олиш учун факатгина мурдалар ва уларнинг қисмларини таниб олиш учун курсатиш
- Г) Одамни, мурда ва унинг қисмларини, буюм ва предметларни, жиноят қуролларини, хужжатлар

### Таниб олиш учун кўрсатишга тайёргарлик кўриш....

- А) Тезкор-қидирув ходимларига объектни қидириб топиш юзасидан топшириқ бериш, зарурий криминалистик-техник
- Б) Таниб олиш учун кўрсатишнинг аниқ мақсадини белгилаш, уни режалаштириш, вақти ва жойини белгилаш, иштирокчилар доирасини белгилаш, зарурий криминалистик-техник воситаларнинг тайёргарлигини текшириш, таниб олувчига бериладиган саволларни тузиб чиқиш. (тўғри жавоб)
- В) Тезкор-қидирув ходимларига объектни қидириб топиш юзасидан топшириқ бериш, вақти ва жойини белгилаш, ўтказиш ва процессуал расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаракатлардан иборат.
- Г) барча жавоблар тўғри.

### Мурдани таниб олиш учун кўрсатиш қанлай тартибда амалга оширилади?

- А) Мурда туалет қилинган ҳолда яқка ўзи кўрсатилади. (тўғри жавоб)
- Б) Ўша куни топилган 2-3 та мурда бирга кўрсатилади
- В) Мурда таниб олиш учун кўрсатиш объекти бўлмайди.
- Д) Мурдани суратга олиб, фотосурати кўрсатилади.

### Таниб олиш учун суратга олиш усули қандай мақсадларда қўлланилади.

- А) Тирик шахс ва мурдаларни рўйхатга олиш, таниб олиш учун кўрсатиш учун, эксперт тадқиқоти учун. (тўғри жавоб)
- Б) Объектларнинг ҳажми ва узунлигини қайд қилиш учун.
- В) Объектларнинг ўзига хос белгиларини қайд қилиш учун
- Г) Мурдадаги жароҳатларни қайд қилиш учун

**Таниб олиш учун кўрсатиш турларини айтинг.**

- А) Одамни, мурда ва унинг қисмларини, буюм ва предметларни, жиноят қуролиларини, ҳужжатлар, ҳайвонлар ва уларнинг мурдаларини таниб олиш учун кўрсатиш. (тўғри жавоб)
- Б) Фақатгина одамларни таниб олиш учун кўрсатиш.
- В) Таниб олиш учун фақатгина мурдалар ва уларнинг қисмларини таниб олиш учун кўрсатиш.
- Г) Одамни, мурда ва унинг қисмларини, буюм ва предметларни, жиноят қуролиларини, ҳужжатлар.

## **Мавзу: Сўроқ ўтказиш тактикаси.**

### **Машғулотнинг мақсад ва вазифалари:**

21. Каримов И.А. Энг асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009. –24 б.
22. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз. Т.17. –Т.: Ўзбекистон, 2009. –280 б.
23. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь. // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.



24. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

25. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябр. – Ҳалқ сўзи. – 13 ноябрь. - 2010.

26. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тарраққиётимизнинг муҳим омилидир” маърузаси // Халқ сўзи- 9 декабр 2010 йил.

### **Асосий адабиётлар**

1. A.Norboyev, F.Abdumajidov, R.A.Alimova va b. Kriminalistika (1-qism) darslik. T.: TDYUI, 2008.
2. A.Norboyev, F.Abdumajidov, R.A.Alimova va b. Kriminalistika (2-qism) darslik. T.: TDYUI, 2008.
3. Абдумажидов Ғ.А., Норбоев А.Н, Алимова Р.А., Закутский А.С Криминалистика: Учебник. Т.: ТГЮИ, 2008.- 495 б.
4. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Норбоев А.Н ва б. Криминалистика. Дарслик. 1 – қисм. – Т.: Адолат, 2003.- 367 б.
5. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Норбоев А.Н. ва б. Криминалистика. Дарслик. 2 – қисм. – Т.: Адолат, 2003.-259 б.
6. Абдумажидов Ғ.А., Алимова Р.А., Закутский А.С. ва б. Криминалистика. Дарслик. – Т.: Фан ва технологиялар, 2005.- 532 б.

7. Алимова Р.А., Норбоев А.Н., Закутский А.С ва б. Криминалистика тактикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2000.-114 б.
8. Алимова Р.А., Норбоев А.Н., Закутский А.С ва б. Криминалистика техникаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Қатортол – Камолот, 1999.- 171 б.
9. Алимова Р.А. Жиноятларни тергов қилиш услубиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2006.- 128 б.
10. Закутский А.С. Вопросы организации и проведения судебных экспертиз. Учебное пособие.- Т.: ТДЮИ, 2006.-109 с.
11. Закутский А.С. Методика расследования преступлений. Учебное пособие.- Т.: ТДЮИ, 2006.-131 с.
12. Норбоев А., Ахмедов Т. Портловчи воситалар билан боғлиқ бўлган ходиса жойини кўздан кечириш, экспертиза тайинлаш ва ўтказиш тартиби. Ўқув қўлланма. –Т., ТДЮИ 2005.-47 б.
13. Рустамбоев М.Х., Норбоев А.Н. Криминалистика – схемалар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2002.- 251б.

### **Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2008. 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. – Т.: Адолат, 2008
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодекси. – Т.: Адолат, 2009
4. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида” ги қонуни (янги тахрирда) –Т.: Адолат, 2001
5. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги қонуни (янги тахрирда) –Т.: 2002
6. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонун. –Т.: 1997

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Ищенко Е.П., Топорков А.А. Криминалистика: Учебник. Изд. 2-е, испр. и доп./Под ред. доктора юридических наук, профессора Е.П. Ищенко - Юридическая фирма "Контракт", "Инфра-М", 2005.- 632 с.

2. Белкин Р.С. Курс криминалистики. В – 3 – х т. – М.: Юрист, 1997.- 950 с.
3. Вольтинский А.Ф. и др. [Криминалистика. Учебник для ВУЗов./ - ЮНИТИ, 2000.](#)- 720 с.
4. Криминалистика. Учебник Под ред В.А.Образцова. - М.: Юрист, 2002. – 429 с.
5. Криминалистика: Учебник / Под. ред. Яблокова Н.П. – М.: БЕК, 1997.-539 с.
6. Криминалистика. Учебное пособие. Под ред. Дулова А.В. Минск.: ИП Экоперспектива, 1998.-258 с.
7. Аминев Ф.Г. Актуальные проблемы формирования и использования экспертно – криминалистических учетов в расследовании и раскрытии преступлений. Уфа, 2004.- 328 с.
8. Белозоров Ю.Н. Нечаев Е.А., Незаконный оборот незаконного оружия, боеприпасов, взрывных веществ и взрывных устройств. Научно практическое пособие. – М.: Юрид. лит., 2000. 210 с.
9. Беляков А.А. [Взрывчатые вещества и взрывные устройства. Криминалистическая взрывотехника. / - М.: Юрлитинформ, 2003.](#)- 143 с.
10. Волчецкая Т.С. Современные проблемы моделирования в криминалистике и следственной практике: Учебное пособие / Калинингр. ун-т. – Калининград, 1997. – 93 с.
11. Духно Н.А., Корухов Ю.Г. Расследование экологических преступлений. - М., 2002.- 171 с.
12. Корженевский Ю.В. [Криминалистика для судебного следствия. / - М.: Юрлитинформ, 2002.](#) -211 с.
13. [Криминалистика. / Астапкина М.М., Астапкин Д.И. – Инфра – М, 2002.](#)- 538 с.
14. Коршунова О.Н., Павлик М.Ю., Овчинникова Г.В. [Захват заложника. Уголовно-правовые, криминологические и криминалистические проблемы. / - М.: Юридический Центр Пресс, 2001.](#)- 326 с.
15. Маликов С.В., Козловцев В.А. [Краткий курс криминалистики. Вопросы и ответы. / - М.: Юрлитинформ, 2002.](#)-371 с.

16. Осмотр место происшествия: практические пособие / Под ред. Дворкина А.И. М., 2000.- 148 с.

#### **Электрон таълим ресурслари**

1. <http://www.zakon.ru>. <http://www.vipdiplom.ru>
2. <http://www.zakon.ru>. <http://www.vipdiplom.ru>
3. [www.jurisby..ru](http://www.jurisby.ru)
4. [www.zakonssu.samara.ru](http://www.zakonssu.samara.ru).
5. [www.pravo.eup..ru](http://www.pravo.eup.ru).
6. <http://www.zakon.ru>. <http://www.vipdiplom.ru>

### **Фанга оид асосий тушунча ва атамаларнинг қисқача мазмуни.**

**АЛОҲИДА БЕЛГИЛАР** – тергов ва тезкор–қидирув фаолиятида инсонни идентификация қилиш (таниб олиш)да ва шахси номаълум одамнинг мурдасини кўздан кечиришда қайд қилинадиган айрим гуруҳдаги аломатлари.

Анатомик ва функционал турдаги А.б. айрим одамларда учрайди, уларга танадаги туғма камчиликлар, жисмоний ногиронлик, оёқ-қўл нуқсонлари, жароҳатлардан қолган чандиқлар, татуировка ва бошқа аломатлар киради.

Одамнинг ташқи қиёфа тузилишидаги А.б., айниқса кўзга ташланувчилари тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда қўл келади. Улар рўйхатга олинадиган шахсларнинг алфавит ва дактилоскопик карталарида алоҳида қайд этилади.

Тергов ҳаракатларидан бири бўлган таниб олиш учун кўрсатишда таниб олувчи шахс илгари кўрган, товушини эшитган одамнинг овозидаги, сўзлашувдаги белгилари, юзидаги, оёқ-қўлларидаги кўзга ташланувчи аломатлари ва

умум гавда тузилишидаги белгилар йиғиндиси асосида таниб олади, яъни айнанлиги ҳақида фикр билдиради.

**АНАТОМИК БЕЛГИЛАР** – Инсоннинг ташқи қиёфа тузилиш аломатлари икки гуруҳ белгилардан иборат. Улардан бири - инсоннинг ташқи анатомик тузилиши бўлиб, инсоннинг қиёфасида турғунлик хусусиятига эга. Иккинчи гуруҳини инсоннинг функционал белгилари ташкил қилади. Улар одамнинг турли фаолиятида сезилади.

Одамнинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация ўтказишнинг илмий асослари анатомия, физиология, суд-тиббиёти каби фанларнинг ютуқларига таянган ҳолда шаклланган ва тергов, тезкор-қидирув, экспертиза фаолиятида кенг қўлланилади.

Идентификациявий текширув ўтказишда одамнинг ўзи эмас, унинг чизилган, бўёқ ва бошқа восита билан тасвирланган ёки фотосуратда акс этган ташқи кўриниши таққослаш-қиёслаш объекти бўлиб хизмат қилади.

Анатомик белгилар тавсифи инсоннинг умумжисмоний тузилиш хусусиятларидан бошланади:

- жинси, ёши, антропологик турдошлиги, (ташқи кўриниши бўйича, осиелик, европалик ва ҳ.к);
- умумий гавда тузилиши, боши, юзи, бўйин, елка, кўкрак қафаси, қўл ва оёқлар (улар ўлчови ва шакллари бўйича тавсифланади);
- соч, қош, мўйлов-соқол, соч толаларининг шакли, тузилиши (жингалак, текис, ранги бўйича қора, малла ва ҳ.к.)
- тери қопламасининг ранги (пигментация аломатлари), кўзларнинг шакли, ўлчови (катта-кичик, қисик, ботик) ва ранги.

Одамнинг ташқи тузилиши белгиларининг ўлчови ва шакли унинг бети-юзининг қисмида акс этади: юзнинг тавсифи тўғридан ва ёнбош (ўнг ва чап) томонларидан кузатилади, ўлчовлар- катта, ўртача, кичик; шакли- юмалоқ овал, учбурчак каби иборалар билан таърифланади, аломатларнинг ўзаро пропорцияси (мутаносиблиги) белгиланади. Ташқи қиёфа белгиларининг аҳамияти айниқса шахси номаълум одамнинг мурдасини кўздан кечириш, уни криминалистик рўйхатга олишда ва бедарак йўқолган шахсларни қидирувида беқиёсдир.

**БАЛЛИСТИКА** – криминалистика фанининг ўқотар қурол ва ўқ-дорилар, патронларни ишлатиш, сақлаш, олиб юриш, тайёрлаш ва ўзлаштириш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда вужудга келадиган масалаларни ҳал қилувчи қисми.

Б.да (грек тилида “ballo” – отаман маносини билдиради) ўқ (сочма ўқлар)нинг қурол ичидаги ва ҳаводаги ҳаракати тадқиқ қилинади.

Б.нинг вазифаси харбий техниканинг айрим таълимотларидан фойдаланиб, отиш қуролларининг тузилиши, турлари отишдан ҳосил бўладиган ўзгаришлар, ўқ-дорилар, патронлар, отилган ўқ-гильзаларнинг қайси қуролдан отилганлигини аниқлаш масалалари киради.

Жиноий мақсадда ишлатилган ўқ-отар қуроллар уларнинг узвий қисми бўлган патронлар, ўқ-гильзалар, отишдан ҳосил бўлган излар: ёриқ- тешиқлар, тирналиш, яқиндан отилиш излари, қурум, металл, ёнмай қолган порох заррачалари, мил мойлаш қолдиқлари баллистик текширув объектлари бўлиб ҳисобланади.

Б. текшируви жиноят қуроли сифатида ишлатилган предмет отиш қуролими, ўқ отишга яроқлими; унинг ўлчови (ствол

диаметри бўлган калибри) бўйича қайси қурол гуруҳига мансуб; отилган ўқ, гильзалар қайси отиш қурол гуруҳига тегишли; отиш қуролларининг қайси биридан отилган, отишдан ҳосил бўлган излар, ўзгаришлар қандай масофадан етказилган; отувчининг қаердан туриб ўқ узганлиги; ўқнинг йўналиши ва бошқа масалалар.

Отиш қуролининг умумий тузилиши бўйича қаерда ва қандай ишланганига (заовда, қўлда, ясама ёки алоҳида қисмлардан йиғилган ва ҳ.) оид масалалар ҳам ҳал этилади.

**БУЗИШ ҚУРОЛЛАРИ** – жиноятнинг айрим турларини содир этишда қўлланадиган трасологик текширув объектларининг бир гуруҳи.

Жиноятчилар кўпинча турли хил тўсик бўлган объектларга, турар жойларга ўзларининг жиноий мақсадларини амалга ошириш учун ҳар хил Б.қ. ёрдамида куч ишлатиш йўли б-н, хона ва омбор эшик, деворларини бузиб киради. Б.қ. сифатида айрим ҳолларда уй-рўзғор буюмлари, (теша, болта, лом ва б.) слесарлик ва қишлоқ хўжалик асбоблари, шунингдек турли қаттиқ темир, тош, ёғоч ва ҳ.к. предметлар ишлатилади. Б.қ. сифатида автоген, электр пайвандлаш асбоблари ҳам учраб туради. Б.қ. ўз тузилиши ва бузиш жиҳатлари б-н турли гуруҳларга бўлинади, улардан қоладиган излар ҳам турли шаклда бўлади: тирналиш, кесилиш, синиш, пачақланиш, парчаланиш, ишқаланиш, узилиш каби изни ўзида акс эттирадиган предметлар ҳам шунга кўра турлича бўлади, м: кулф, девор, пол, шифт, шкаф, сейф, сандиқ ва ҳ.к.

Б.қ.дан қоладиган изларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: а) кесилиш натижасида ҳосил бўладиган излар; б) ишқаланиш ёки сирғалиш шаклида ҳосил бўладиган излар.

Эшик ва деразаларни очиш ёки бузиш учун уларнинг ораларига бирор предметни тикиб қулфланган эшик, дераза табақасини очишда қоладиган ботиқ-ҳажмли излар; в) эшик филенкасини, дераза ойнасини бузишда хосил бўладиган, синиш, парчаланиш каби излар.

Ҳодиса жойида Б.қ.дан қолган изларни кўздан кечириш натижасида жинойи мақсадда қандай предмет-буюм бузиш куроли сифатида ишлатилганига оид масала ҳал қилинади ва уни қайси гуруҳ объектлар ичидан излаш лозимлигига ёрдам беради.

**ГАБИТОСКОПИЯ** – “габитос” “гомо” юнончадан одам, “скопия” – нусха деган тушунчани билдиради. Тергов ва тезкор – қидирув амалиётида қидирилаётган ва текширилаётган, ўлган одамларнинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация ўтказиш, айнанлигини аниқлаш ишлари ўтказилади. Г. объектлари сифатида тирик одам, мурда, унинг суяк қолдиқлари (скелет) текширилади.

Одамнинг ташқи қиёфа белгилари асосида идентификация ўтказишнинг илмий асослари анатомия, физиология, суд-тиббиёти ва б. фанларнинг ютуқларига таянган ҳолда шаклланган ва ҳозирда Криминалистика техникаси бўлимида мустақил ўрин эгаллайди.

Одамни ташқи қиёфа хусусиятлари бўйича идентификация қилиш унинг анатомик ва бошқа турдаги аломатлари йиғиндиси индивидуал бўлганлиги ва улар иккинчи шахсда такрорланмаслигига асосланади. Бу индивидуаллик хусусияти амалий ва назарий жиҳатдан криминалистика ва экспертиза фаолиятида йиллар давомида ўз исботини топган. Одам дунёга келгач йил сайин ўсади, бетоб бўлади, қарийди, турли



сабабларга кўра унинг тана тузилишида ўзгаришлар хосил бўлади, шунга қарамай тананинг асосий кўриниш хусусиятлари сақланади ва нисбий барқарорликка эга.

Идентификация ўтказишда, тирик одамларга нисбатан, уларнинг ўзлари эмас, балки уларнинг фотосуратлари, чизилган, буюёқ ва бошқа восита билан тасвирланган объектлар текширилади. Айрим ҳолларда инсоннинг ташқи тузилиш аломатлари сўз орқали тасвирланиб, шу асосда чизилган тахминий расм (портрет) орқали текширув ўтказилади. (Оғзаки портрет атамасига қаралсин).

**ГИЛЬЗА** – патроннинг барча қисмлари (порох, ўқ, капсул)ни бирлаштирувчи баллистик объект. Г. шаклига кўра, цилиндрсимон, бутилкасимон ва конуссимон бўлади. Цилиндрсимон ва конуссимон Г. порох газларининг босими унчалик катта бўлмаган патронларда, бутилкасимони эса босими катта бўлган патронларда ишлатилади. Г.ларда қуйидаги асосий қисмлар мавжуд: Г.нинг олди очиқ томонидаги энг четки қисми; ўқни маҳкамлаш учун мўлжалланган, қия қисмига туташиб кетган жойи; қия қисми – Г.нинг оғзи ва сирти орасидаги конуссимон сирти; унинг туби, пистон капсул уяси, сандони – патрондан ўқни чиқариб олиш учун мўлжалланган айлана шаклдаги белбоғ. Пистоннинг портловчи таркиби баёк-(тепки) урилганда бузиладиган туйнукча Г.нинг остки тўсиғида жойлашган бўлиб, пистон ёнганида унинг учқуни порохга ўтиши учун мўлжалланган. Ҳозирги вақтда Г.лар тайёрлаш учун томпақ (90% мис ва 10% рухнинг аралашмаси) б-н қопланган жез ва пўлат ишлатилади.

Баллистик экспертиза ўтказишда отилган г.даги отиш куролининг айрим қисмлари, хусусан чиқариб ташлаш

механизми, баёкдан қоладиган излар асосида айнан қайси қуролдан отилганлигини аниқлаш мумкин. Отилган ўқ ва г. аввал бир бутун патронни ташкил этганми – деган масала ҳам ҳал этилади.

Силлиқ стволли ов милтиқларини идентификация қилишда сочма ўқ заррачалари бўйича уларнинг гуруҳ мансублиги ва тайёрланган жойи (заводда, уй шароитида) ҳақидаги маълумот билан чекланади. Милтиқнинг айнанлигини аниқлаш учун отилган г.даги баёк изидан фойдаланилади.

Ҳодиса жойида топилган г.нинг шакли, ўлчови (калибри) бўйича ўқ отиш қуроли қайси гуруҳга мансублиги белгиланиб, ана шу гуруҳ ичидан изламоқ зарур бўлади.

**ГРАФОЛОГИЯ**- хатшунослик тадқиқоти тарихидаги оқимлардан бири; Дастхат асосида уни ёзган шахснинг жисмоний ва ақлий хусусиятларини аниқлашдан иборат. Инсоннинг ташқи қиёфаси, физиологик, жисмоний хусусияти, хатни ёзиш, фикрини ёзма шаклда ифода этиш қобилияти ва бошқа шу каби психофизиологик ҳолатлари гўё унинг жинойтга мойиллигидан дарак беради деган назариянинг асосчиларидан 19-аср криминалистлари П.Ломброзо хатшуносликка тадқиқотиорқали дастхатни бажарган шахснинг руҳий, жисмоний ва бошқа хусусиятларини аниқлаш мумкин деган фикрга келган.

Ҳозирги кунда олиб борилган қатор илмий ва экспериментал тадқиқотлар асосида хатнинг умумий ва хусусий белгиларининг барқарорлиги вақт ва ёзиш шароитларига боғлиқ равишда нисбий эканлиги исботланган хатдаги индивидуаллик ёзиш шароити (тик туриб, ётган ҳолда) шахснинг эмоционал, руҳий ҳолати (кўркув, касаллик, мастлик

ва б.) таъсири остида бирмунча ўзгариши мумкин. Аммо инсоннинг ўзига хос бўлган кўп йиллар давомида шаклланган ёзиш малакаси қисман сақланиб қолади.

**ДАКТИЛОСКОПИЯ** (юнонча *daktilos*–бармоқ, *skopeo*–нусха) – кўл бармоқларининг охирги бўғинларидаги тери тузилиш изларига қараб шахсни аниқлаш усули. Бу излар ариқча ва дўнгалак шаклидаги нозик чизиклардан иборат бўлиб, ёйсимон, сиртмоқли ва гажакдор нақшлар ҳосил қилади. Анатомия фанининг тери тузилиши билимига биноан тери икки қатлам: дерма ва эпидермисдан иборат бўлиб, ўзига хос кашта микротузилиши билан тавсифланади. Ташқи тери қатлами бўлмиш эпидермис бу чизикларни такрорлайди, булар папилляр чизиклар кўринишида турли кашта шаклини ташкил қилади.

Кўл бармоғининг охирги бўғимларидаги папилляр чизиклар индивидуал бўлиб, ҳар бир шахснинг ўзига хос. Улар инсоннинг умри давомида ўзгармас, мустаҳкам шаклга эгадир.

Кўл–бармоқ изларидаги бу хусусият инсоннинг ҳомиладалик даврида шаклланиб, умри бўйи, ҳатто ўлгандан сўнг ҳам тери тўқималарида чириш аломати юз бергунга қадар ўзгармайди. Кўл изларининг далилий аҳамияти шундаки, тери каштасининг хусусиятини ифодаловчи аломатлар йиғиндиси иккинчи шахсда такрорланмайди ва бу излар асосида конкрет бир шахснинг айнанлиги аниқланади. Д.дан бир ярим асрдан буён деярли барча мамлакатларда жинойтчиларни рўйхатга олиш ва кидириб топиш воситаси сифатида фойдаланилади.

**ДАКТИЛОСКОПИК ЭКСПЕРТИЗА** – кўл бармоқ излари бўйича ўтказиладиган текширув, трасологиянинг бир тури. Криминалистика техникаси соҳаларидаги махсус

билимларга асосланиб ҳодиса жойида бармоқ изларини қолдирган шахсни, из ҳосил бўлган вақти ва шароитни аниқлайди. Д.э.нинг объектлари бўлиб: бармоқ излари қолдирилган предметлар ёки уларнинг қисмлари; кўзга кам кўринадиган бармоқ излари мавжуд бўлган предметлар; дактилоскопик плёнкага кўчириб олинган бармоқ излари; предметлардаги изларнинг масштабли фотосурати; ҳажмли бармоқ изларидан олинган нусха; таққослаб текшириш учун гумонланилганнинг бармоқларидан олинган нусхалар.

**ДАСТХАТШУНОСЛИК** - турли ҳужжатлардаги қўл билан ёзилган ҳарфли, рақамли, имзо ва бошқа шаклидаги ёзув-матнларни ким томонидан бажарилганини аниқлаш учун ўтказиладиган идентификация тури.

Қўлёзма-хат юзасидан ўтказиладиган идентификация ҳар бир инсоннинг ўзига хос бўлган ёзиш усули ва унда ҳосил бўладиган қатор белги аломатларининг мустаҳкам ва индивидуал бўлган хусусияти асосида ўтказилади.

Ёзган шахснинг айнанлигини белгилаш учун Д. экспертизаси тайинланиб, лаборатория усулида текширув ўтказилади ва тегишли хулоса берилади. Хат ва имзонинг ўзига хос хусусиятлари ёзган шахс ёзиш малакасининг индивидуаллик хослигини белгилайди. Д. хат ва имзоларнинг индивидуаллик хусусиятига асосланиб ўтказилади, бу хусусият қўлёзма хатнинг умумий ва хусусий белгилари йиғиндисида ифодаланади. Ҳар бир инсон ташқи белгилари билан индивидуал бўлгани каби унинг қўлда ёзган хати ҳам индивидуаллик хусусиятига эгадир. Имзо ҳам инсоннинг ёзиш малакаси асосида ташкил топиши жараёнида шакланади ва

индивидуал хусусиятига эга бўлади. Шулар асосида хатнинг, имзонинг ким томонидан ёзилганлигини аниқлаш мумкин.

Айрим жиноятчилар ҳужжатдаги қўлёзма матнлар, имзо, сон-рақам ёзувларини бажаришда қасддан ўзгартириб ёки бошқа шахснинг хатига ўхшатиб-тақлид қилишга уриниб ёзадилар, бундай ҳолларда хатнинг умумимий хусусияти-ўлчови, текислиги каби хусусиятлари ўзгаради. Айни вақтда мустаҳкам шаклланган ёзувдаги қўл ҳаракати сақланиб қолади, хусусий белгилар бўлган ҳарф, рақам қисмларидаги ёзиш, жойлаштириш, ҳаракат йўналиши каби аломатлар ўзгармайди. Бунинг сабаби ёзиш жараёнида, ёзиш қуролини ушлашда, ҳаракат қилдиришда, қўл ҳаракати ва хат мазмунини назорат қилишда, диққат ва асаб кучи сарф этилади, ҳарфлар-сўзлар автоматик равишда ёзиб борилади, ёзишдаги координация, яъни ҳаракат бир текисликда намоён бўлади. Хатни ёки имзони қасддан ўзгартириб ёзишга интилса ёзишдаги ҳаракат малакаси бир мунча сусаяди, ёзиш тезлиги пасаяди, лекин асосий индивидуаллик хусусияти сақланиб қолади.

## Тест саволлари

1-Савол.

**Криминалистика техникаси восита ва усулларида қандай мақсадда фойдаланилади?**

1. Дастлабки терговни амалга ошириш мақсадида

2. Жиноятни олдини олиш, дастлабки терговни амалга ошириш ва жиной ишларни тулик хал килиш мақсадида
3. Дастлабки терговни амалга ошириш ва жиной ишларни тугри хал этиш мақсадида
4. Далилларни кайд этиш мақсадида

## 2-Савол

Криминалистиканинг техникавий усуллари уз ичига нималарни олади?

1. Тергов харакатларини утказишда криминалистика техникаси воситаларини куллашнинг усуллари, характери кетма-кетлиги
2. Криминалистиканинг техникавий восита ва усуллари
3. Криминалистиканинг техниаквий воситаларини
4. Апрабациядан утган илмий усулларни
5. Кинолог хизматидан фойдаланиш

## 3-Савол

Криминалистика техника воситалари ким томонидан ва кандай кулланилади?

1. Криимналистика техникавий воситаларини куллаш суъекти буйича “терговчилар учун техникавий воситалар”, ”экспертлар учун техникавий воситалар” туркумига булинади
2. Криминалистик техника воситалари эксперт, терговчи ва мутахассислар томонидан кулланади
3. Криминалистика техника воситалари хамма шахслар томонидан кулланади
4. Криминалистик техника воситалари факат терговчилар томонидан кулланилади

5. Факат мутахассис томонидан кулланади

#### 4-Савол

Жиноят процессуал конунчилиги нормаларида дастлабки терговни утказишда криминалистик техника воситалари назарда тутилганми?

1. Ўзбекистон Рес.ЖПК нинг 90-91 моддаларида криминалистика техникавий воситаларини куллаш назарда тутилган
2. ЖПК конун нормаларида назарда тутилмаган бироқ криминалистика фаннинг тавсиялари билан тартибга солинади
3. Жиноят процессуал конун нормалари билан тартибга солинмайди
4. Муассаса меъёрий хужжатлари билан тартибга солинади
5. Махаллий хокимият органлари қарорлари билан

#### 5-Савол

Бармоқ изларини қуздан кечиришда терговчи томонидан қандай техника воситаларидан фойдаланилади?

1. Биологик микроскоп
2. Лупа
3. Солиштирувчи микроскоп
4. Электрон оптик мослама
5. Ультирабинафша ёритгич

#### 6-Савол

Тергов портфелида типографик буюк қандай мақсадда фойдаланилади?

1. Шахс бармоқ изларидан нусха олиш мақсадида
2. Режа ва схемаларни тузиш мақсадида

3. Тергов харакатларини утказишда олинган далилий ашёларни мухрлаш мақсадида
4. бармок, пойафзал, бузиш куролларидан намуналар олиш мақсадида
5. Транспорт воситаларидан колган изларни кайд этиш мақсадида

#### 7-Савол

Куйдаги келтирилган кайси техник восита ёрдамида 1мм булган улчамини улчаш мумкин?

1. Рулетка
2. Макрометр
3. Масштаб чизиги
4. Штанген циркуль
5. Справка линейкаси

#### 8-Савол

Тергов портфелидаги магнит чуткаси кайси мақсадда фойдаланилади?

1. Оёк, кул, ва пойафзал изларини кидириб топиш ва олиш учун
2. Шахслар бармоқларидан нусхалар олиш учун
3. Пана (махфий) жойларни топиш учун
4. Кора ва рангли металдан ясалган предметларни кидириб топиш учун
5. Далилий ашёларни маркиров ка килдириш учун

#### 9-Савол

Куйдаги техникавий криминалистик воситалардан кайси бири инфракизил нур бериш манбаи булиб хизмат килади?

1. Электрон оптик мослама



2. Ртуть лампаси
3. Электр лампаси
4. Криминалистик репродукцион аппарат
5. Спектограф

#### 10-савол

Мурда ёки ёғоч тўсиқларда қолган ўкларни топиш учун қайси нурдан фойдаланилади?

1. Ренген
2. Инфрақизил нур
3. Ультрабинафша нур
4. Лазер нур
5. Радиоактив изотоплар

#### 11-савол

Жиноий рўйхатни қайси органлар амалга оширади?

1. Жиноий рўйхат прокуратура органлари томонидан амалга оширилади.
2. Жиноий рўйхат ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.
3. Жиноий рўйхат Адлия вазирлиги органлари томонидан амалга оширилади.
4. Жиноий рўйхат Давлат миллий хавфсизлик органлари томонидан амалга оширилади.

#### 12-савол

Жиноий рўйхат қайд этиш усуларини кўрсатинг?

- 1.Жиноий рўйхатдан ўғирланган мулкларни қидириб топиш мақсадида фойдалиналинади.
- 2.Дактилоскопик рўйхатга олиш усули,
- 3.Панорама усулида қайд этиш.
- 4.Статистик кўздан кечириш усули.

### 13-савол

Жиноий рўйхат объектлари тўғрисида маълум қандай мақсадда қандай органлар томонидан фойдаланилади?

- 1.Жиноий рўйхат объектлари тўғрисидаги маълумот суриштирув тергов ва суд органлари томонидан фойдаланилади.
- 2.Жиноий рўйхат объектлари жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.
- 3.Жиноий рўйхат оғзаки портрет бўйича шахсларни аниқлаш мақсадида.

### 14-савол

Кўрсатилган карточкаларидаги маълумотлардан қайси бири рўйхатга олиш учун керак?

- 1.Анкета маълумотлари.
- 2.Гумонланувчи тўғрисидаги маълумот.
- 3.Гувош тўғрисидаги маълумот.
- 4.Жабрланувчи тўғрисидаги маълумотлар.
- 5.Оилавий ашвол тўғрисидаги маълумот.

### 15-савол

қандай вақтларда бедарак йўқолган шахсларга нисбатан жиноий рўйхат карточкаси очилади?

1. Милиция органларига бедарак йўқолганлар тўғрисида хабар берилганда.

2. Прокурор кўрсатмаси бўйича.

3. Жисмоний куч ишлатиб одам ўлдирилганда кўзгатирилган жиноий ишлар.

#### 16-савол

Мурданинг айрим белигиларнинг ва изларинининг суратга олишда суд оператив фотографиясининг қайси усуларидан фойдаланилади?

1. Обзорлик суратга олиш

2. Репродукцион усулда суратга олиш

3. Панорамали усулда суратга олиш

4. Масштаблик

5. Микрометрик

#### 17 савол

Тураар жойларда суратга олишда суд - оператив фотографиясининг қайси усули кулланилади?

1. Муфассал суратга олиш

2. Обзорлик

3. Ориентрли

4. Деталлик

5. Микро суратга олиш

#### 18 савол

Суд текшириш фотографияси қимлар томонидан амалга оширилади?

1. Эксперт

2. Терговчи
3. Мутахассис
4. Оператив ходим
5. Суриштирувчи

19 савол

Суд текшириш фотографияси кандай объектларни текширишда амалга оширилади?

1. Далилий ашёларни
2. Микрообъектларни
3. Мурдаларни
4. Биологик изларни
5. Турли суюкликларни

20 савол

Кимлар томонидан видеосуратга олиш амалга оширилади?

1. ДАН инспектори
2. Мутахассис
3. Суриштирувчи шахс
4. Холислар
5. Гувоҳлар

21 савол

Таниб олинмаган карточкасига кандай маълумотлар керак?

1. Таниб олинмаган мурданинг фотосуратлари
2. Асосий кийим белгилари
3. Мурданинг хусусий белгилари туғрисидаги олинган фотосурат

#### 4. Мурданинг кийимларидаги хусусий белгилари

##### 22 савол

Жиноий руйхат турларини курсатинг?

1. Алфавит буйича
2. Ташки куриниш белгилари буйича
3. Коллекция буйича
4. Альбом буйича
5. Паспорт булимидан ахборот буйича

##### 23 савол

Куйидаги курсатилган маълумотлардан қайси бирларини ҳисобга олиш керак?

1. Бедарак йуқолган шахс
2. Жиноятни содир этган шахснинг ташки куриниши буйича
3. Шахснинг ташки куриниш белгилари тугрисидаги маълумот

##### 24 савол

Курсатилган предметлардан қайси бирлари суд баллистикасининг объекти булади?

1. Уқлардан колган излар
2. Совуқ кароллар
3. Санчилувчи куруллар
4. Уқлардан танада колган излар
5. Уқнинг йуналиши

##### 25 савол

Курсатилган куруллардан қайси бири узун стовллик отиш курулига киради?

1. Винтовкалар, карабинлар, ов милтиклари
2. Пистолет-пулеметлар
3. Пистолетлар
4. Револьверлар
5. Ясама отиш куроллари

#### 26 савол

Кандай куролларнинг патронига латта (кигиз) ишлатилади?

1. Револьверлар патронига
2. Ов милтиклари патронига
3. Туппончалар патронларига
4. Карабин патронларига
5. Автоматлар патронига

#### 27 савол

Нарезкалик стволдан отилган уқда колган излар буйича кандай маълумотларни олиш мумкин?

1. Уқ отиш куроли стволи узунлигини аниқлаш
2. Уқдаги излар буйича конкрет куролнинг тури ва системасини аниқлаш мумкин
3. Уқ отиш куроли магазинидаги патронлар сонини аниқлаш
4. Уқда колган излар буйича уқ отилишининг кетма-кетлигини аниқлаш
5. Уқда колган излар буйича масофани аниқлаш мумкин

#### 28 савол

Кўздан кечириш протоколида отиш куроли тугрисида кандай маълумотлар кайд этилади?

1. Курол топилган жой, унинг тури ва патронникда патрон бир ёки йуклиги
2. Уқ отиш мосламаларининг умумий ҳолати

3. Ук отиш куроли системаси
4. Мурдадаги жарохат буйича отиш вақтини аниклаш
5. Отиш куролининг чиккан йилини аниклаш

### 29 савол

Курсатилган материалларни қайси бирида плюс белгисига ухшаган ёрилиш хосил булади?

1. Резинада
2. Газмолда
3. Ёгочда
4. Фанерада
5. Суякда

### 30 савол

Яқин масофада отилган ук изини қандай метод ёрдамида аниклаш мумкин?

1. Микроскопик текшириш методи
2. Инфракизил нур ёрдамида суратга олиш
3. Химиявий усулда
4. Электрохимик усулда
5. Ультрабинафша нур ёрдамида люминисценция анализ қилиш

### 31 савол

Ўқ ва гильзалар буйича ўқ отиш куролини идентификация қилишда қандай метод қулланилади?

1. Солиштириб текшириш микроскопик усули
2. Стволнинг узунлигини аниклаш
3. Нотугри ёруглик бериш
4. Улчаш методи
5. Хатлаш методи

### 32 савол

Балистика нима?

1. Ўқ отиш қуроллари ҳақидаги таълимот
2. Қриминалистик техникасини урганувчи соҳа
3. Излар ҳақидаги таълимот
4. Шахсларнинг ташқи кўриниши белгиларини урганувчи соҳа
5. Эксперт хулосасини баҳолаш туғрисидаги соҳа

### 33 савол

Изларнинг ҳосил бўлиш муҳанизми буйича классификациясини аниқланг?

1. Бармоқ излари
2. Пойафзал излари
3. Статистик излари
4. Тиш ва тирнок излари
5. Локал излар

### 34 савол

Бармоқ изларидаги папилляр кашталарини турларини аниқланг?

1. Конуссимон
2. Бурчакли
3. Цилиндрсимон
4. Пирамидасимон
5. Сиртмоксимон

### 35 савол



Бармоқлардан қоладиган излардан кучирма нусха олишда фойдаланиладиган воситаларни аниқланг

1. Оргенторат
2. Ацетон
3. Нингидрин
4. Цемент
5. Фотокоғоз

### 36 савол

Пойафзал изларини кайд этиш ва олиш усулларини аниқланг?

1. Гипслик нусха олинади
2. Йод ёрдамида кайд этилади
3. Пластилин ёрдамида нусха олинади
4. Улчаш
5. Ацетон ёрдамида олинади

### 37 савол

Бузиш курулларидан қоладиган изларни кайд этиш ва олиш усулларини аниқланг?

1. Порошок ёрдамида кайд этилади
2. пасталар ёрдамида кайд этилади
3. Йод ёрдамида кайд этилади
- 4 Гипслик нусха олинади
- 5 Нингидрин ёрдамида кайд этилади

### 38 савол

Бузиш объектлари булиб кандай объектлар ҳисобланади?

1. Хужжатлар
2. Йуллар

3. Куприклар
4. Кулфлар
5. Очик майдонлар

#### 39 савол

Бузиш курулларида изларнинг турларини аниқланг?

1. Кесилишдан қоладиган излар
2. Юришдан қоладиган излар
3. Бармок излари
4. Хайвон излари
5. Транспорт воситаларининг излари

#### 40 савол

Транспорт воситаларидан қоладиган изларга қандай излар киради?

1. Баллон протекторидан қоладиган излар
2. Кон излари
3. Микроизлар
4. Газсимон суюкликлардан қоладиган излар
5. Пайвандловчи асбоблардан қоладиган излар

#### 41 савол

Трасологик экспертизасига қандай объектлар юборилади?

1. Бармок, пойафзал изларидан олинадиган нусхалар
2. Кон излари
3. Наркотик моддалар
4. Хужжатлар
5. Спиртли ичимликлар

#### 42-савол

Куйидаги келтирилган ташки кифада белгиларидан кайси бирлари шахснинг анатомик белгиларига киради?

1. Юриш-туриш
2. Гавда
3. Жестикауляция
4. Хусусий белгилар

#### 43-савол

Келтирилган ташки кифа белгилардан кайси бирлари шахснинг функционал белгиларига киради?

1. Мимика
2. Махсус белгилар
3. Хусусий белгилар

#### 44-савол

Махсус белгиларга нималар киради?

1. Букрлиги
2. Шахснинг ёши ва миллати
3. Гавда тузилиши
4. Вактинчалик белгилари

#### 45-савол

Махсус белгилар гурухига кайси бир белгилар киради?

1. Бундай белгиларга тугма белгилар киради
2. Қандай миллат ва элатга, этник группага мансублиги
3. Шахснинг тургун белгилари

#### 46-савол

Огзаки портрет қандай масалалардан фойдаланади?

1. Шахсларни овози буйича узлигини аниқлаш мақсадида
2. Бедарак йуқолган шахсни кидириш мақсадида
3. Мурдани таниб олиш учун курсатиш мақсадида

4. Гумонланувчи ва айбланувчиларнинг шахсини аниклаш мақсадида

5. Жабрланувчи ва гувоҳларнинг шахсинин аниклаш мақсадида  
47-савол

Суратга олиш қандай мақсадларда амалга оширилади?

1. Далилий ашёларни қайд этиш учун
2. Далилларни қайд этиш ва текшириш учун
3. Далилларни олиш учун
4. Далилларни текшириш учун
5. Далиллардан нусхалар олиш учун

#### 48-савол

Қандай мақсадларда панорама усулида суратга олинади?

1. Кенг майдондаги жойларни суратга олишда
2. Тор хоналарда суратга олишда
3. Узок масофадаги объектларни суратга олишда
4. Масштабли суратга олишда
5. Деталли суратга олишда

#### 49-савол

Яқин масофадаги предметларни суратга олишда қандай методлардан фойдаланилади?

1. Объектнинг жойлашган масофаси билан суратга олиш нуктаси уртасидаги муносабат суратга олиш методини танлашга таъсир этмайди
2. Ушбу ҳолатда тугри чизикли панорама методида суратга олиш мақсадга мувофиқ
3. Яқин масофада жойлашган объектларни суратга олишда айланма панорама методини қуллаш мақсадга мувофиқ
4. Стереоскопик усулда суратга олиш
5. Масштаблик усулда суратга олиш

### 50-савол

Репродукцион метод кандай объектларни суратга олишда кулланилади?

1. Репродукцион метод хар кандай объектларни суратга олишда фойдаланилади
2. Ушбу метод шахсларни суратга олишда кулланилади
3. Ушбу метод катта хажмдаги объектларни суратга олишда фойдаланилади
4. Ушбу метод мурда ва унинг кисмларини суратга олишда кулланилади
5. Хужжатларни суратга олишда кулланилади

### 51 савол

Ходиса жойини суратда олишда суд-оператив фотографиясининг қайси шусусий усулларидадан фойдаланилади?

1. Ориентирлик усулида суратга олиш
2. Стереоскопик усулида суратга олиш
3. Инфракизил усулида суратга олиш
4. Рентген усулида суратга олиш
5. Ранг ажратувчи усулда суратга олиш

### 52-савол

Тергов экспериментининг максadini аникланг?

1. Янги далилларни олиш
2. Айбланувчининг айбдорлик даражасини аниклаш
3. Версияларни текшириш
4. Жиноятни содир этилишига олиб келган сабаб ва холатларни аниклаш

5. Жиноят таркибини ташкил этувчи харакатларни кайта тиклаш

#### 53-савол

Тергов экспериментини турларини аниклаш?

1. Шахснинг профессионал ва бошка махоратларини текшириш
2. Маълум ходисаларни куриш кобилиятини аниклаш.
3. Изларнинг хосил булиш механизмини аниклаш
4. Шахснинг айбдорлик даражасини аниклаш
5. Жиноятнинг мотивини аниклаш

#### 54-савол

Тергов экспериментини утказиш оркали нималар текширилиши мумкин?

1. Жиноятнинг мотиви
2. Жиноят таркиби
3. Жабрланувчи ва гувохлар курсатувлари
4. Тергов версиялари
5. Эксперт версиялари

#### 55-савол

Тергов экспериментини иштирокчиларини аникланг?

1. Терговчи
2. Гувох
3. Эксперт
4. Кинолог
5. Махалла кумитасининг вакили

#### 56-савол

Тергов экспериментини утказишни режалаштиришда кандай масалаларга диққатни жалб этиш зарур?

1. Тергов экспериментини утказиш вақти, жойи ва шароитини аниқлаш
2. Экспертиза тайинлаш масаласини хал этиш
3. Кинологни жалб этиш
4. Мутахассиснинг иштирок этиши шарт эмас.
5. Тергов экспериментини утказишда ва унинг натижаларини кайд этишда фойдаланадиган техникавий воситаларни куллаш

#### 57-савол

Тергов экспериментини утказиш жойига боргунга қадар терговчининг утказадиган тайёргарлик ҳаракатларини курсатинг?

1. Мутахассисдан консултация олиш, маҳсус адабиётларни урганиш
2. Тергов экспериментини утказиш тугрисида қарор чиқариш
3. Кинологни таклиф этиш
4. Тергов экспериментини утказиш учун зарур бўлган реквизитларнинг мавжудлигини текшириш
5. Баённома тузади

#### 58-савол

Тергов экспериментини утказиш босқичида терговчи утказадиган ҳаракатларни аниқланг?

1. Терговчи баённома тузади
2. Изтопар итлардан фойдаланиш масаласини хал этади
3. Тергов эксперименти мазмуни ва унинг натижалари тугрисида барча иштирокчилар хабардор қилинади.
4. Таҷрибалар мазмуни ва уларни утказиш кетма-кетлиги аниқланади
5. Иш бўйича далил бўлиши мумкин бўладиган излар, предметлар упаковка қилинади

#### 59-савол

Сурок килиш жараёнида аникланиши лозим булган холатларга кандай холатлар киради?

1. Исботлаш предметига кирмайдиган, лекин терговнинг оралик максadini аниклаш учун зарур булган холатлар
2. Далилларни кидириб топиш учун зарур булган холатлар
3. Жабрланувчининг шахси тугрисидаги маълумотлар
4. Экспертиза тайинлаш учун зарур булган холатлар
5. Далилий ахамиятга эга булмаган, лекин тактик ахамиятга эга булган холатлар

#### 60-савол

Дастлабки терговда сурок килинаётган процессуал холати буйича сурок турларини курсатинг?

1. Экспертни сурок килиш
2. Судланувчини сурок килиш
3. Участка инспекторини сурок килиш
4. Мутахассисни сурок килиш
5. Холисларни сурок килиш

#### 61-савол

1. Курсатувни ташкил булиш боскичларини курсатинг?

1. Ахборотларни кайта тиклаш ва сурок килинувчи шахсга сузлаб бериш
2. Сурок килинувчи шахс томонидан ахборотларни кабул килиш, кайта ишлаш ва процессуал жихатдан кайд этиш
3. Кайтадан гувохлантириш
4. Ахборотларни фиксация килиш
5. Олинган ахборотлар асосида версиялар юритиш



### 62-савол

Курсатилган тактик усуллардан қайси бирлари тугри эканлигини аниқланг?

1. Гумонланувчининг шахсини аниқлаш
2. Иштирокчилар билан узаро муносабатни аниқлаш
3. Йуналтирувчи саволлар бериш
4. Далилларни такдим этиш шарт эмас
5. Сурок килинувчининг ишончини суистеъмол қилиш

### 63-савол

Сурок қилиш босқичларини аниқланг?

1. Яқунловчи босқич
2. Хронологик босқич
3. Мантикий босқич
4. Анализ ва синтезлаш босқичи
5. қайд этиш босқичи

### 64-савол

Вояга етмаганларни сурок қилишнинг асосий тактик хусусиятларини курсатинг?

1. Купрок эркин сузлаб беришга ахамият берилади
2. Йуналтирувчи саволлар берилади
3. Сурокнинг тугри талаффуз этилиши танланади
4. Сурок берувчининг нотугри хулқи айби ва жавобгарлигини тушинтириш
5. Вояга етмаганларнинг тенгкур ва катта ёшдагилар билан узаро алоқасини аниқлаш

### 65-савол

Юзлаштириш утказишнинг асосий процессуал тартибини курсатинг?

1. гувоҳ ва жабрланувчилар Ўзбекистон ЖК-нинг 237,238-моддалари билан жавобгарлиги тугрисида огохлантирилади.
2. Юзлаштириш утказишда холислар иштирок этади
3. Юзлаштиришни утказишда педагоглар жалб қилинади
4. Юзлаштириш утказишда оператив ходимлар иштирок этади
5. Юзлаштириш утказиш фақат қунуз қуни амалга оширилади.

#### 66-савол

Суроқ утказишнинг асосий процессуал тартибини курсатинг?

1. Суроқ дастлабки тергов утказилаётган жойда утказилади
2. Айбланувчилар ёлгон курсатув берганлиги учун жавобгарлиги тугрисида огохлантирилади
3. Вояга етмаганларни суроқ қилиш фақат терговчининг хонасида утказилади
4. Суроқ қилиш вақтида эксперт иштирок этади
5. Суроққа телефон орқали қақирлади

#### 67-савол

Таниб олиш учун курсатишнинг турларини курсатинг?

1. Хужжатларни таниб олиш курсатиш
2. турар жой ва участкаларни таниб олиш учун курсатиш
3. Жиноят изларини таниб олиш учун курсатиш
4. Микрозаррачаларни таниб олиш учун курсатиш
5. Суюқликлар сақланадиган идишларни

#### 68-савол

Таниб олиш учун курсатишнинг процессуал қоидаларини курсатинг?

1. Гувоҳ ва жабрланувчилар таниб олишга курсатишдан олдин Ўз ЖКнинг 238 моддаси билан огохлантирилмайди

2. таниб олинувчи шахс таниб олишга курсатишдан олдин суроқ қилинмайди.

3. Таниб олиш учун курсатилаётган шахс турли миллатларга мансуб булган шахслар орасида курсатилади

4. таниб олинувчи шахс узи билан бирга таниб олиш учун курсатилаётган шахслар орасидан каерда туришлигини терговчидан сураши мумкин

5. Таниб олинувчидан объектни кандай белгиларига караб таниб олганлиги суралади

#### 69-савол

Таниб олиш учун курсатиш режасига киритиладиган масалаларни курсатинг?

1. Таниб олиш учун курсатиш жойи ва вақтини белгилаш

2. таниб олиш учун курсатиш иштирокчлари ичида жамоат ташкилотларининг вакили хам булиши шарт

3. Тугри ва объектив курсатув олиш учун етарли шароит шарт эмас

4. таниб олиш учун курсатиш хохлаган шароитда утказилади

5. таниб олиш учун курсатишда таниб олувчининг ота-оналари иштирокини таъминлаш

#### 70-савол

Сўроқ қилиш босқичларини аниқланг?

1. Яқунловчи босқич

2. Хронологик босқич

3. Мантиқий босқич

4. Анализ ва синтезлаш босқичи

5. Қайд этиш босқичи

